

Ў372(077)
1К-97

ҚҶЧҚАРОВА ФЕРУЗА МАХАММАТҚОСИМОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ДАРСЛИКЛАРИДА
ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
КОНЦЕНТРИЗМ ПРИНЦИПИ АСОСИДА
СТРУКТУРАЛАШТИРИШ**

ТОШКЕНТ

5-97

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚЎЧҚАРОВА ФЕРУЗА МАХАММАТҚОСИМОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ДАРСЛИКЛАРИДА
ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
КОНЦЕНТРИЗМ ПРИНЦИПИ АСОСИДА
СТРУКТУРАЛАШТИРИШ**



ТОШКЕНТ – 2010

Ф.М.ҚУЧҚАРОВА. Бошланғич синф дарслнкларим ўчуШ
материалларини концентризм принципи асосида структуре
лаштириш. - Т.: «Fan va texnologiya», 2010, 72 бет.

Ушбу методик қўлланмада бошланғич таълим жараёнида
ўқувчиларга концентризм тамойили асосида тақдим этиладт.ш
ўқув материалларини танлашнинг назарий-амалий асослари, унц
структуралаш имкониятлари, концентризм тамойили асоi
тақдим этиладиган ўқув материалларининг дидактик хусусиятлари.
ўқувчининг интеллектуал қувватлари, ёзма ва оғзаки нутқи,
фикрлаш даражасини ривожлантиришдаги аҳамияти баён этилиб,
ўқув материалларини концентризм тамойили асосида структуралаш
йўллари кўрсатилган. Қўлланма дастур ва дарслик муаллифлари,
олий ўқув юрти ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва ўқитувчилар учун
муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари доктори,
профессор Р.Ғ.Сафарова

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори
Ш.Қ.Мардонов;
педагогика фанлари номзоди
М.Э.Иноятова

РИПК ЎРХТВ1

ISBN 978-9943-10-355-9

© «Fan va techno!ogiya» нашриёти, 2010.

МУҚАДДИМА

Концентризм принципи битта умумий марказга йиғилган таълим
мазмунини таълим назариясида ўқув предметининг муайян курсидаги
ўқув материалининг алоҳида-алоҳида блок (гурух)ларга ажратилган
ҳолда берилишини ифодалайди¹. Қайсики, ушбу блоклар муайян
ўқув предмета бўйича белгилаб бериладиган ўқув материалининг
ҳажминини белгилайди. Шу маънода концентризм принципи асосида
белгилаб бериладиган ўқув материалининг мазмунини ўқувчиларга
тақдим этиладиган ўқув материалларининг ҳажми ва микдорини
белгилаб бериш имконини яратади. Концентризм принципи шу
билан характерланадики, бу принцип асосида ўқув материалларини
ўзида мужассамлаштирган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида
матнлар, машқ ва масалалар, савол-жавоблар, таълимий
топшириқлар тадрижий асосда муайян изчилликда тақдим этилади.
Ўқув материалларини танлашда концентризм принципига таяниш
натijasида ўқув материаллари аниқ концентрга мужассам-
лаштирилган ҳолда муайян кетма-кетликда жойлаштирилади. Бу ўз
навбатида ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларининг яхлит тарзда
ривожланиб боришига имкон беради. Концентризм принципи
асосида танланган ўқув материаллари тизимида айни бир тил
билим ва тушунчаларнинг турли даражада ифодаланиши намоён
бўлади. Бунда ўқув материаллари тизимидаги билим ва тушунчалар
концентр характердаги таълим мазмунини доирасида> таълим
жараёнининг муайян босқичларида ўқувчиларнинг ёш ва тараккиёт
даражалари, фикр англаш ва фикр ифодалаш билан боғлиқ
эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда
тақсимланади. Шу нуктаи назардан ёндашилган ҳолда бошланғич
таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, сўз
бойлигининг бир қадар жадал ривожлантирилиши кўзда тутилади.
Чунки бу даврда ўқувчиларнинг сўз бойлиги ва ёзма нутқини
ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи мавжуд.
Бошланғич таълим тизимида ўқув материалларини концентризм
принципига асосланган ҳолда белгилаб бериш натijasида таълим
tizимида аниқ блокларни ташкил қилувчи таълимий
материалларни ажратиш имконияти яратилади. Концентризм
принципида танланган ўқув материалларининг афзаллиги шундаки,

¹ Сафарова Р.Ғ. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида она тили таълими
назарияси ва амалиёти дои.дисс. Т., 1998 - Б. 137.

бундай ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришилади. Концентрация принципи асосида ўқув материалларини танлашнинг афзаллиги шундаки, бундай материаллар ўқувчилар томонидан қуруқ ёдланмайди, балки аниқ ўзаро боғланган кетма-кетликда ўзлаштирилади. Ўқув материалларини концентрация принципи асосида танлашнинг ўзига хос жиҳати шундаки, айтиб ўтиш керакки, бир вақтнинг ўзида ҳар томонлама чуқур ўзлаштириш мумкин эмас. Мазкур тушунчанинг барча томонларини муайян концентрлар доирасида ўрганишни назарда тутган ҳолда ўқув материалларини танлаш дарсликларни таркибий жиҳатдан такомиллаштириш ва таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқув материалларини муайян концентрлар доирасида тақдим этишнинг бошланғич босқичларида ўқувчиларнинг ҳиссий қабул қилиши ҳамда идрок кучи, уларнинг таълим жараёнида тўплаган нутқий малакалари тизимли тарзда ривожланади.

Ўқув материалларининг тадрижий асосда, изчил тақдим этилиши концентрация принципининг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу ўқувчилардаги билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланишига асос бўлади. Шунга қўра, дарслик ва ўқув қўлланмаларда бериладиган ўқув материалларини концентрация принципи асосида танлашнинг дидактик асослари, концентр характердаги дарсликлар структураси каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Бугунги кунда бошланғич таълим тизимида бир катор камчиликлар, бўшлиқлар кўзга ташланади. Бундай камчиликлар жумласига ўқув материалларини танлаш ва таркиблаштиришнинг принциплари, дидактик асослари ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида ўқув материалларини танлашда ягона ёндашувга амал қилинмаяпти. Бунинг учун биринчи навбатда ўқув материалларини танлаш ва таркиблаштиришнинг мақбул тамойилини аниқлаб олиш ва бу тамойилни назарий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Бундай тамойил ёрдамида танланган ўқув материаллари ҳар бир ўқувчининг ўқиш, билим эгаллаш эҳтиёжини қондира олиши керак. Бундай шароитда анъанавий ўқитиш методлари билан инновацион методлар орасида номуносиблик вужудга келади. Мавжуд ҳолат педагогик жараённинг боришига ҳам таъсир кўрсатади.

Ислохотлар жараёнида дарсликларда берилган ўқув материалларининг таркиби, мазмуни ва уларни структуралаш тамойили ҳам

янгидан белгилаб берилиши лозим. Мактаб таълимини инсонпарварлаштириш муносабати билан ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материаллари ва уларни ўзлаштиришга сарфланадиган вақтни қисқартириш назарда тутилади. Бироқ ўқув материаллари ҳажмини қисқартириш ўқув предмета ёки ўқув курси мазмунини илмий жиҳатдан саёзлаштиришга олиб келмаслиги керак. Бунинг учун ўқув материалларини концентрация тамойили асосида структуралаш мақсадга мувофиқдир. Шу нуктаи назардан ёндашилганда, таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида муайян ўқув предмета бўйича ўқув материалларини танлаш ва уларни концентрация тамойили асосида структуралаш муҳим дидактик аҳамиятга эга. Бу ўқув материалларини танлашга асос бўлган дидактик тамойилларга аниқ мантиқий таъриф беришни тақозо қилади. Чунки таълим жараёнига технологик ёндашувни татбиқ қилишда ўқув материалларини аниқ тамойилларга таянган ҳолда танлаш ва структуралаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралаштириш ҳозирги замон дидактикасининг муҳим масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу муаммо кенг қўламли татқиқотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Ўқув материалларини танлаш ва структуралаш муаммолари бўйича Д.Шодиёв, Р.Сафарова, Б.Мирзааҳмедов, Г.Эргашева, В.А. Беликова, М.А. Данилова, Ю.И. Дика, Л.В. Занкова, Л.Я. Зорина, А.Н. Крутск, В.Н. Мощанс, В.Г. Разумовский, К.М. Сосницкого, А.М. Сохора, А.И. Уман, А.В. Усова, В.Ф. Шаталова, П.М. Эрдниева қабилар шугулланганлар.

Танланган ва структуралаштирилган ҳар қандай ўқув материали ўқувчиларда энг аввало, ДТСда назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиши керак. Ўқув материаллари муайян мезонлар ва тамойилларга таянган ҳолда танланиши ва структуралаштирилиши лозим. Худди мана шу тамойил ва мезонларга таянган ҳолда ўқув курслари мазмуни ҳам танланади. Бироқ кузатишларимиз шунини кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ўқув предмета мазмунини танлашда амал қилинган мезонлар ва тамойилларга ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришда амал қилинмаяпти.

Аксарият ҳолларда ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материаллари хусусийдан-умумийга, қисмдан-бутунга қараб бориш тамойилига таянган ҳолда танланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқув материалларини муайян концентрлар асосида танлаш ва таркиблаштириш аниқ далиллар ва дидактик қонуниятларга таянилган ҳолда амалга оширилади. Хусусийдан-умумийга қараб бориш тамойили асосида танланган ўқув материаллари билимларни умумлаштириш, уларни изчил тизимга солиш, мазкур билим ва тушунчаларнинг таркибини англаш каби ҳолатларга имкон бермайди. Бундай шароитда ўқувчилар нима асосий, қайси тушунча иккинчи даражали, муайян ҳолатнинг сабаби ва оқибати нимадан иборат, қайси қонуният муҳим, қайсиси эса унинг таркибий қисмига киради, муайян шароитда ишончли ҳаракат қилиш учун қандай билимлар ва ҳолатларни ўрганиш керак, хатолар, ноаниқликлар, ахборотларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги қаерда кўринади, деган саволларга аниқ жавоб топа олмайдилар. Бундай шароитда ўқувчилар эгаллайдиган билимлар динамик характер касб этмайди. Агар ўқувчи такдим этилган билимлар иерархияси ва узвийлигини аниқ ҳис этса, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсирини англаса, бу билимлар муайян кўникма ва малакага айланади.

Ўқувчиларнинг тарқоқ ва узук-юлуқ билимларини жамлаш ва тизимга солиш учун шундай иш усулини танлаб олиш керакки, натижада ўқувчининг фикрлаш тарзини яхлит ривожлантириш имконияти таъминланиши лозим.

Ўқув ахборотларини муайян изчилликда жамлаш, ихчамлаш, уларни ўзлаштириш учун қулай ҳолатга келтириш замонавий дидактикада жуда долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ахборотларнинг хаддан зиёд кўплиги муаммо даражасига кўтарилган бугунги кунда билимларни такдим этиш ва улардан фойдаланишда самарадорликка эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув материаллари ва ахборотларни структуралаштирган ҳолда ўқувчиларга такдим этиш соҳасида кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда билимлардан амалий фойдаланиш, уларни ўзлаштириш, такдим этиш соҳасида ҳам изланишлар амалга оширилмоқда. Бу билимларни фаоллаштириш имконияти сифатида эътироф этилмоқда. Билимларни такдим этишнинг ихчам, компакт моделларини яратиш соҳасида изланишлар олиб борилмоқда. Билимларни концентрлар ёрдамида такдим этиш, уларни мантикий моделлар, семантик тармоқлар ёрдамида ўқувчиларга етказиш кабилар шулар жумласидандир.

Лекин дарсликларда бундай технологияларни сингдириш бир қатор мураккаб.

Ўқув ахборотларини жамлашнинг самарали усуллари педагогик-психологик ёндашувларда, хусусан, ўқув материалларини умумлаштириш Д.Шодиев, Б.Мирзааҳмедов, Р.Сафарова, П.Мусаев, У.Мусаев, Г.Эргашева, В.В. Давидов, Д.Б. Эльконин, дидактик бирликларни йириклаштириш П.М. Эрдниева ва умуман, билимларни муайян тизимга солиш Д.Шодиев, Р.Сафарова, Э.Турдикулов, Л.Я. Зорина, А.В. Усова кабиларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Ўқув материалларини структуралаштириш учун куйидаги усуллардан фойдаланиш эътироф этилган: предметли, модели ва белгили шакллар, мавзуларнинг структурали блок-чизмаси, таянч конспектлар ва бошқалар. Бундай ҳолларда предметли моделлаштириш, график моделлаштириш, белгили моделлаштириш, структурали блок-чизма кабилардан фойдаланилган. Шуни таъкидлаш лозимки, дастур мавзуларини ихчамлаштириш ва муайян блокларга жойлаштириш орқали мустаҳкам ўзлаштириш ўқув материалнинг бир вақтнинг ўзида тўрт шаклда: график, сонли, рамзий ва оғзаки усул асосида такдим этилишига имкон яратади.

Бунда бошлангич таълим жараёнида ўқитиладиган ҳар бир ўқув предмета бўйича тушунчалар луғатининг зарурлигини ҳам таъкидлаш лозим. У дарслик ва ўқув кўлланмаларни асослаш, уларни яратишнинг янги имкониятларини аниқлаш, шунингдек, таълим натижаларини назорат этиш имконини беради. Шунингдек, у таълим мазмунини интеграциялашнинг янада юқори даражаларини яратиш ва технологик жиҳатдан таъминлашга шароит яратади. Ўқув ахборотларини тизимлаштириш ва структура-лаштириш муаммоси куйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда:

1) алоҳида ўқув фанлари, умуман, таълими мазмунида ахборотларни тизимлаштириш ва муайян концентрларга жамлашнинг ўзаро уйғун тизимини яратишнинг мураккаблиги;

2) такдим этилган ўқув ахборотлари блокнинг нисбийлик, бу аввало, янги билимларнинг юзага келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларни ўзлаштиришга бўлган талаблар асосида ўқув ахборотлар мазмунининг қайта таъминланишини тақозо этади;

3) бу таълим, ўқитувчининг ўқув материални баён этишнинг янги шаклларига ўтишга қарши фаолияти билан боғлиқ бўлган қандайдир ижтимоий сустликни бартараф этишни талаб қилади.

1-БЎЛИМ. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СТРУКТУРАЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Шунинг учун ўқув материални структуралаштиришда ўқув материални уни тизимга солиш ва таҳлил қилишнинг асосий тамойилларига мувофиқ структуралаштириш зарур. Ушбу тамойилни ўқув топшириқларини шакллантириш ва ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштирилишида ҳисобга олиш лозим, чунки назарий материалларнинг мантикий асослари жараёнида ўқувчилар унинг шаклланиш маромини кузатиш ва чуқур ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Ўқув курсини мантикий структуралаш ҳақиқатан аниқ ва яхши ташкиллаштирилган таркибга эга бўлиш имконини беради. Уларни ажратиш натижасида эса ички штоқадорликларнинг чуқурлиги ва ҳар томонлама асосланганлиги, ўзаро уйғунлигини қўриш мумкин. Шу сабабли гносеологик принциплар асосида ўқув материални илмий асосланган ҳолда структуралаштириш дидкатиканинг ўта долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришда икки хил ёндашувга таяниш мумкин:

1) эмпирик ёндашув (умумлаштириш ва вариативликка дойр шахсий тажрибани ўз ичига олади);

2) назарий ёндашув (ҳар бир ўқувчи учун бундай материалларни ўзлаштириш мутлоқо янги ҳисобланади).

Маълумки, аксарият ўқув курслари мазмунини танлаш ва уларни структуралаштириш биринчи ёндашув асосида амалга оширилади. Шу сабабли тадқиқотнинг умумий муаммоси ўқув материалларини танлаш ва констентиризм принципи асосида структуралашга мантикий-диалектик ёндашувни татбиқ этиш тарзида амалга оширилади. Мантикий -диалектик ёндашув асосида умумийликдан аниқликка ўтиш амалга оширилгандагина ўқув материалларини концентризм тамойили асосида структуралаштиришга эришилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «Умумлаштириш»га қуйидагича таъриф берилган: «Умумлаштириш - инсоннинг воқеликни билиш, тадқиқ этишдаги муҳим фикрий амалларидан бири; нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги, хусусиятларини, боғланишларни фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси. Умумлаштириш - илмий билишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади» [9-жилд, 99-бет].

Умумийлик тушунчасига В.В.Агудов бир қадар тўлиқроқ таъриф берган: «Аввало, «умумийлик» - ҳар қандай назарий тафаккур воситасида амалга ошириладиган илмий билишнинг асосий шакли ҳисобланиб, шунингдек, у фикрий ишлаб чиқишнинг ҳар қандай қуйи даражаси ва ҳиссий тажрибани умумлаштириш натижасида вужудга келган тушунча аппарата ва натижадан иборатдир.

Иккинчидан, «умумийлик» тадқиқ этилаётган объект мазмуни ҳақидаги ҳозирчатўлиқ бўлмаган, нисбатан бирёқлама билимлар...

Учинчидан, «умумийлик» бирёқламалик сифатида асосан уч турда намоён бўлади: а) умумийлик ҳиссий-конкретлилик сифатидаги ривожланган тушунча, тасаввур ва ҳиссиёт шаклида; б) умумийлик абстрактлаш (мавхумлаштириш) ва умумлаштиришнинг натижаси сифатида; в) умумийлик тушунчаларни идеаллаштириш сифатида» [1, 188-189.б].

Умумий категориялар бутунликнинг асосий таянч қисми сифатида аниқлик ҳақидаги умумий миқёсдаги тасаввурлар асосида яхлитлашга йўналтирилади.

Структуралаштириш ва ўқув материалларини танлаш масаласи узок вақтлардан буён кенг миқёсда кўриб чиқилмоқда. Шунга қўра тадқиқотимизда ушбу масаланинг қуйидаги жиҳатларига жавоб излашимиз лозим: фанлар бўйича билимлар сифатининг яхшиланиши ва ўқув материални янада рационал ўзлаштирилишини таъминлашга қаратилган билимлар структурасининг концентрга асосланган модели қандай бўлиши керак?

Бугунги кунда ўқув материали мантикий тузилмасининг қўпгина моделлари мавжуд. Мазкур моделлар танланган ёндашув ва методларни асослашцаги турли-туманликка қарамай, амалий педагогик жараёнларда синаб кўрилган ҳамда ўзининг ижобий

натижаларини берган. Куйида ўқув материали структураси ва унинг мазмунини таилаш юзасидан олиб борилган айрим ишларни таҳлил этиб, ушбу масала дидактик адабиётларда қай даражада акс этганлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

А.М.Сохорнинг «Логическая структура учебного материала. Вопросы дидактического анализа» номли иши дидактик хусусиятларига кўра ўқув материалларининг турли вариантлариаро мантикий апоқалар (муносабатлар)ни тадқиқ этишга қаратилган бўлиб, бунда А.М.Сохор ўқув материали мантикий структурасини «яхлит ўқув материали тузилмасидаги тизимлилиқ, кетма-кетлилиқ, ўзаро алоқадорлиқ»дан иборат ходиса сифатида таърифлаган. Унинг фикрича, ўқув материали мантикий тузилмаси ҳақидаги тасаввурларнинг мавжуд вариантлари бевосита ўқув материали элементи тушунчасининг қандай англанишига ва ажратиб олинган қисмлар ўртасидаги алоқадорлиқнинг қай тарзда таъминланишига боғлиқ. Бу хил структураларнинг кўргазмалари намунаси сифатида мантикий жадвалларни кўрсатиш мумкин. Бу жадвалларда тушунча, мулоҳаза, қонунлар ҳамда муҳим тажрибалар билим қисмлари тарзида намоён бўлади. Мазкур қисмлар дарслиқда ўқув материали баёнининг изчиллиги ва кетма-кетлигига мувофиқ кўрсаткичлар асосида бирлашиб, тўғрибурчак ҳосил қилади. Ушбу структурали-мантикий жадваллар аслида йўналтирилган чизмалардан иборат. Чизманинг устки қисмига ўрганилаётган материалнинг таркибий қисмлари жойлаштирилиб, қирралар воситасида ўқув элементларининг бир-бири билан ўзаро муносабатлари акс эттирилади. Шу тариқа чизмалар воситасида ўқув материали структурасини намоёниш этиш мумкин.

А.В. Усова ва В.А. Беликов элементлар ўртасидаги алоқаларнинг қуйидаги мезонларини тақдим этганлар:

1. Элементлар ўртасида сабаб-оқибат муносабатларининг мавжуд бўлиши.

2. Асосий тушунчалар ва уларнинг вужудга келишини ифодаловчи муҳим қисмлар ўртасидаги боғланишларнинг мавжудлиги.

3. Устувор функционал алоқаларнинг мавжудлиги.

4. Ўзаро бири-бирининг таркибига кирувчи элементлар ўртасидаги алоқадорлиқ.

Сабаб-оқибат ва функционал алоқалар ҳамда ўзаро бири-бирининг таркибига кирувчи элементлар ўртасидаги алоқалар ўзаро

кесшувчи чизиқлар воситасида кўрсатилади. Масалан, умумийдан - хусусийга; иккинчи даражали тушунчалардан - асосий билимларга каби.

Шу тарзда концентризм тамойилига асосланган ҳолда структуралаштирилган ўқув материали, шубҳасиз, оқилона қўлланилса, қатор дидактик афзалликларга эга бўлади. Бироқ А.Н. Уман ўқув материални ташкиллаштириш ва билимларни структуралаштиришга қаратилган ишларда тизимли структуралар (айрим натижалари баёнига эга билимлар) турли дарслиқ ва қўлланмаларда ҳатто муайян бир фан бўйича, бир хил билимларнинг бир-бирига тўғри келмаслигини кўрсатади. Дарҳақиқат, биргина ўқув материалининг тизимли таркиби мазкур ўқув предмети бўйича дарслиқда қанча берилган бўлса шунчани ташкил этади.

Бундан А.И. Уман қуйидагича хулоса чиқаради: агар билимларни структуралаштириш содда бирликлар асосида кўрсатилса, унда топшириқ катта ҳажмдаги чала ва автоном характердаги блоклар миқдорини бирлаштиради. Блокларни жойлаштиришнинг бу хил тартиби мантикий бўлмай, малака ва кўникмаларни таркиб топтиришга қаратилган топшириқда айрим, тугалланмаган формулалардан фойдаланишга олиб келади. Топшириқни бажаришда илгари ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш заруриятининг мавжуд бўлишини эътиборга олсак, ўқув материални юқоридаги тарзда содда бирликлар методига кўра структуралаштириш унинг дидактик қимматини сезиларли даражада пасайишига олиб келиши мумкин.

Агар ўқув материали тизимлилиқ тамойилига асосланган ҳолда, структуралаштирилган бўлса, ўқув жараёни мураккаблашади. Мазкур тамойилга кўра, К.Сосницкийнинг таъкидлашича, «Ўқув материали мазмунини ташкил қилувчи қисмлар занжиридан иборат бўлиб, бунда навбатдаги ҳалқа кейингисининг асоси бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, бунда мантикий ўзаро алоқадорлиқ мавжуд бўлиб, ҳар бир кейинги қисм олдингисига бевосита боғлиқ бўлади. Бундай таркибий тузилма ўқувчи зиммасига кўпгина вазифалар юклайди. Яъни ўқув материали таркибига кирган барча қисмлар бир хил аҳамиятга эга бўлган тушунчалар сифатида ўқувчиларга тақдим этилиб, улар ичидаги асосий қисмларнинг фарқлари ва ажрата олиш кўникмалари шакллантирилмайди. Улардан асосийсини чегаралаб олиш масаласини ўқувчиларнинг ўзлари ҳал қилишларига тўғри келади. Бундай мураккаб

топширикни ҳал қилишга қурби етмаслиги натижасида билимлар яхлит тизимида муайян элементнинг ҳолатини аниқлай олмаган ўқувчилар ўқув материалларининг барча қисмларини бирдек қабул қиладилар ва уларнинг муҳим жиҳатини англамай қоладилар. Бу эса билимларни қуруқдан-қуруққа ёдлашга асос бўлади».

В.Ф. Шаталов ҳамда унинг қўплаб издошлари томонидан танланган ўқув материаллари ўз вақтида ўқув матни мантикий структурасини ифодалашга қаратилган эди

Масалан, Г.Д.Луппов педагогик тажрибалар ҳақида фикр юритиб, танланган тадқиқот иши тизимининг асосий негизини белгилаган тамойиллардан бири асосийси (муҳим)ни ажратиб олишдан иборат бўлганлигини таъкидлайди. Ушбу асосийлик «мавзу ёхуд ўзаро мантикий алоқадор масалалар блоки»ни қамраб олган таянч конспектлар шакллантирилганда белгиланади.

Аксарият ўқув матнларини таркиб топтиришнинг асосини ташкил этувчи тизимлилик тамойили бевосита уларнинг таркибий хилма-хиллигини назарда тутати. В.Ф. Шаталовнинг «таянч сигналлар»и ҳам айнан шундай серкирралилиги билан ажралиб туради. У «таянч сигналлар»ини ўзи яратган дидактик тизимнинг камчилиги эмас, балки айнан ютуғи деб билган. Шу билан бир қаторда, ушбу хилма-хилликни педагогик-психологик жиҳатдан асослаган ҳамда «таянч сигналлари»нинг таркибий жиҳатдан тақрирланмаслигини таъкидлаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, куйидаги ҳақди савол туғилади: «Шаталов тизими бўйича билим олаётган ўқувчи тақдим этилган мантикий асосда «таянч сигналлар»ни етарлича тўлиқ қўллаш оладими, ўзлаштирилган ахборотларни бошқа ўқув материалларининг таркибий мантиқига боғлиқ ҳолда ўзлаштира оладими? каби».

Шуни таъкидлаш лозимки, В.Ф.Шаталовнинг «таянч сигналлар»ига ўхшаш таянч конспектлар ҳам мавжуд бўлиб, улар айрим жиҳатларига кўра ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлган. Улар А.Е.Марон ва Ю.С.Куперштейнлар томонидан тузилган конспектларга жуда ўхшаш бўлган «Таянч конспектлар, - деб ёзади В.Ф.Шаталов, - физик формула, қисқача хулоса, тушунтирувчи расмлар, диаграмма ва бошқалар шаклидаги ўқув материалларининг мантикий баёнини ифодалайди. Таянч конспект ... ягона умумлаштирилган режанинг ҳар бир элементи учун илмий далил,

тушунча ва қонунларни очиб беради. ...таянч конспектлар янги махсус дидактик материал сифатида тақдим этилади».

Ўқув материали таркибини ўзгартириш вариантларидан бири ундан ўзаро қайсидир белгисига кўра бирлаша оладиган қисмларни ажратиб олишни тақозо қилади.

Тушунчаларнинг кўринишлари ва турлари ўртасидаги бевосита ва билвосита тадрижий алоқаларнинг ифодаланиши, муайян белгиларнинг фарқланиши, ўхшаш ҳодисалардан фойдаланиш кабилар таснифий жадвалларни яратиш имконини беради.

Турли ўқув матнларини таркиб топтириш ва таҳлил қилиш, ўқув материали тузилмасини конструкциялаш ва очиб беришда уларнинг қулайлиги ҳамда билимлар тазимини тартибга солиш тамойиллари ҳақидаги муаммоларга дуч келиниши муқаррар. Шунга кўра, Л.В. Занков ўзининг «Дидактика ва ҳаёт» номли машҳур китобида таълимнинг тизимлилиги масалалари ҳақида фикр юритиб, дидактик талаблар асосида ушбу муаммони ҳал этишда тегишли ўқув фанлари мазмуни ўртасидаги қарама-қаршиликни тўла бартараф қилиш мумкин эмаслигини уқтиради. М.А. Данилов эса «ўқув предмета мантики охир-оқибат тегишли фан мантикин ифодалаб, ўқув курси дастурига кирувчи илмий билимлар, уларнинг изчил кетма-кетликда жойлашиши, улар орасидаги алоқалар тавсифига кўра характерланади», дея уқтиради. Юкоридаги фикрлардан шуни англаш мумкинки, муаллиф ўқув материалларининг асосий мантикий структурасини тушунчалар тизими сифатида тақдим этади, муайян ўқув фани мантики масаласи ушбу ўринда муаллиф назаридан четда қолган.

Билимларни структуралаштиришда илмий тушунчалар тизимига таяниш фанлар шаклланишининг кўҳна илдиэларига таянган бўлиб, дидактикада анча кенг тарқалган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Дастур характеридаги дидактик қўлланмаларни яратиш соҳасида катта тажрибалар мавжуд бўлиб, уларда «ўзлаштиришга қаратилган материални мантикий тузилма (структура)сига кўра изчил таҳлил этиш, ушбу асосда марказий тушунча ва унга алоқадор тушунчаларни ажратиш, барча ўқув материални ушбу тушунчалар бўйича ажратиб олиш, тегишли фан мантики асосида муайян кетма-кетликда жойлаштириш лозим»лиги муаллиф томонидан уқтирилади. Хусусан, Г.М.Донской тарих фани бўйича танланган ўқув материаллари мантикий тузилмаси тушунчалар тизимига асосланади, деб ҳисоблайди.

Ўқув ва илмий билимлар тизимида тушунчаларнинг тутган ўрнини белгилашда А.В.Усованинг қарашларини бирмунча аниқ, изчил ва далилларга асосланган назария сифатида баҳолаш мумкин. Унинг қарашлари турли вақт оралигида ушбу масалани ёритишга йўналтирилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Илмий билимлар тузилмасини мантикий-генетик таҳдид этиш асосида-муаллиф билимлар тизимининг қуйидаги асосий қисмларини ажратиб кўрсатади:

- а) илмий далиллар;
- б) тушунчалар масалан, сўз, сўзнинг таърифи, бир маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар каби;
- в) қонунлар;
- г) назариялар;
- д) оламни билиш манзараси.

Тушунча - нарса ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини, алоқа ва муносабатларини умумлаштириб акс эттирувчи умумий тасавур; тафаккур шакли.

А.В. Усова тушунчани ҳам «кенг», ҳам «тор» маънода ҳар тарафлама ўрганган. «Тор» маънода тушунча билимлар тизими қисмларидан бири ҳисобланса, «кенг» маънода илмий билиш қисмларининг ҳар бири - далил ҳам, қонун ҳам, назария ҳам тушунчадир. Чунки, қонун назарда тутилган бирор вазиятни англашнинг мураккаблигида муайян ўрин тутиб, ўзида илмий билимни қамраб олган ҳолда, ўзаро изчилликца тушунчага нисбатан юқори ўринда туради ва айни вақтда ўзи ҳам тушунча ҳисобланади. Бу луғавий бирликларда ўз ифодасини топади. Чунки ҳар бир сўз муайян тушунчани англатади.

Л.Л.Зорина илмий билиш тузилмаси, унинг элементлари кетма-кетлигини белгилашга бошқача нуқтаи назардан ёндашади. Олима томонидан физикадан 100 йил давомида яратилган мактаб дастурлари ва дарсликларини тарихий-мантикий жиҳатдан тадқиқ этиш натижаларининг кўрсатишича, таълим мазмунига илмий билимларнинг киритилишини қуйидаги кетма-кетликда тасаввур этиш мумкин: далиллар, алоҳида назарий қоидалар, амалий билимлар, тушунча ва қонунлар, назариялар.

Назария дидактик бирлигининг етакчи мавқеини эътироф этиб, у дарслик тузиш (материал танлаш ва жойлаштириш)да назариянинг яхлит ифодаланишига асосланиш дарсликнинг барқарорлигини

таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Дидактикага билимлар тизими тушунчасининг тузилишига кўра илмий назария билан мослиги ғоясини олиб кирган Л.Я.Зорина «мўлжалга кўра назарий асосларга таяниб билимларни танлаб олишда унинг йўналтирувчиси ва ислоҳ этувчиси сифатида назарий тузилманинг яхлит ифодаланишида назарий асослар минимал даражаси мазмунининг зарурий ва етарли бўлиши дидактик асос сифатида муҳим ўрин тутиши»ни таъкидлаган эди. Мазкур қоида у энг катта ва етакчи бирлик - назарий асосни ўзлаштиришнинг тизимлилиги ва яхлитлигига асослаш сифатида баҳолайди.

Л.Я.Зоринанинг кўрсатишича, назарий асослар муҳим тушунчалар, асосий қонунлар ва натижаларни қамраб олиши зарур. Унинг фикрича, мазкур тузилманинг бузилиши назариянинг яхлит тизимини мураккаб ўзлаштириладиган ва эслаб қолинадиган билимлар мажмуига айлантиради. Бошланғич синфлар учун яратилган ўқув дастурлари ва дарсликларни нисбатан барқарорлигини таъминлаш муҳимдир.

Л.Я.Зорина томонидан асосий дидактик бирликларни тўлдиришнинг қуйидаги мезонлари таклиф қилинган:

- асосий мустақил қонунларнинг умумийлиги ва шакллантирилиши, уларнинг минимал ҳажмини белгилаш;
- назарий асослардаги асосий қонунлар ҳажми ушбу назариядаги муҳим қонунлар миққорига мувофиқ келиши;
- назарий ҳулосалар мазмунининг таркибий кием сифатида эътироф этилиши;
- асосий қонун-қоидалар ва қўшимча билимларнинг натижалари акс этиши;
- ҳулосаларнинг минимал даражаси таъминланиши;
- ҳулосалардан кўпроқ қонунийлик кучига эга бўлганларини танлашга эришилиши;
- назарий қоидаларни асослашда далилларни танлашга назариянинг изоҳдовчи ва башорат қилувчи имкониятларига эътибор қаратилиши;
- натижаларни ҳулосалашга оид қўшимча билимларни танланиши, яъни назариянинг яхлитлиги ифодаланиши; тенг имкониятларга эга бўлинганда кўпроқ дунёқараш тавсифидаги, политехник йўналишдаги, хиссиётларга бой, меъёрий кадриятларни

таркиб топтиришга қаратилган қўшимча билимларга аҳамият берилиши;

- назарияларга иловалар беришда ҳозирда ва келажакда техника соҳаси ёки ўқувчи танлаши мумкин бўлган касбий йўналиш бўйича муҳим бўлган маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларда зарурий кадриятлар тизимини таркиб топтириш назарда тутишлиши лозим.

Л.Л.Зорина яхлит ғояларни таркиб топтиришга оид илмий назария ҳақида қуйидагиларни баён қилган эди: «назариянинг муайян қисмлари бошқалари билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда, билимларнинг турлари билан алоқадорликда, муайян яхлитликка асосланган ички боғланишга эга бўлган ўзига хос мазмунга эга». Шу тарзда, билим турлари сифатида у назариянинг барча бевосита ва билвосита дахлдор қисмларини киритади. Уларни қуйидагича 6 турга бўлади: тушунча, қонун, илмий далил, эксперимент, назария, амалий билимлар.

В.Г.Разумовский эса илмий назария тузилмасига мувофик ҳолда, физика курсидан ўқув материалларини таркиб топтиришга нисбатан бирмунча бошқача талабларни илгари суради. У назария ўз ичига асослов ва натижани қамраб олиши лозим деб ҳисоблайди. Лекин назарий тузилмани мантикий-тузилмага эга жадваллар кўринишида илмий билиш даврий оралиқларига (циклларига) кўра тақдим этади.

Олимларнинг илмий тадқиқот жараёнидаги фикр, мулоҳаза ва муҳокамалари айнан мазкур даврий оралиқ (цикл)га кўра амалга оширилади. Ўқув жараёнида ўқув материалларини ушбу даврий оралиқ (цикл) асосида тақдим этилиши ишончли билимларга эга бўлиш механизмларини аниқ кўрсатиш, муаммоли баён методини жорий қилиш, ўқув материалларини идрок этишда мантикийлик ва тарихийликни уйғунлаштириш имконини беради. Даврий оралиқ (цикл)нинг моҳияти шундаки, қузатиш ва маҳсус экспериментларни ўтказиш орқали қатор илмий далиллар қарор топтиради. Ушбу далиллар фаразни илгари суриш йўли билан изоҳланади. Фаразда ўрганилган объектлар, амалга ошаётган жараёнлар механизмни изоҳлаш мумкин. Ушбу механизм ва ҳолатларнинг мавжуд аниқ жиҳатлари турли моделлар кўринишида акс эттиради. Ўрганилган ҳодиса, жараён ва ҳолатлар хусусида модел-тақдиротлар ва фаразларга асосланиб, мантикий мулоҳазаларга таянган ҳолда ҳулосалар тизими аниқланади. Ҳулосалар бевосита тажриба-синов асосида текширилади. Ўз

навбатида, тажриба-синов натижалари янги далиллар мажмуини тақдим этади, айтилган мулоҳазани тасдиқлайди ёки тасдиқламайди. Мантикий ҳулосалар тасдиқланса, илгари сурилган фаразнинг тўғрилиги ва янги тажрибавий далилларни изоҳлашда ундан фойдаланиш имконияти қабул қилинади.

Айнан ушбу асосга таянган ҳолда, Ю.И.Дик ўқув дастурлари муаллифларига қуйидаги тавсияларни тақдим этади: «ўқув курсига оид ўқув материаллари фундаментал назариялар атрофида марказлаштириш натижасида таркиб топтиради. Таълим жараёнида педагогик мақсадни амалга ошириш учун айланма (спирал) даврий оралиқ (цикл) кўринишида билимларни назарий умумлаштириш келиб чиқишини қайта тиклаш мақсадга мувофикдир... Бу ижодий қобилиятларни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиб, мантикий тафаккурни таркиб топтиради».

В.Н. Мошанский ўқувчиларда назарий материаллар таркибига мувофик тарзда билимларни таркиб топтиришнинг заруриятини назариянинг фундаментал ғояларни асослаш ва эътиқодни шакллантириш воситаси эканлиги билан изоҳлайди.

1. Асос қилиб олинган тамойилларни тажриба-синовдан ўтказиш ҳақида фикр юритиб, В.Н. Мошанский фундаментал экспериментларга алоҳида тўхталади ва уларни изоҳлашнинг илмий тажриба-синов тадқиқотларини аслидаги каби қайта тикловчи яхлит мантикий схемасини тақдим этади .

Ўқув материали мантикий тузилмаси, унинг оқилона баён этиш усуллари ва ўзлаштирилиши ҳақида сўз борар экан, дидактик бирликларни йириклаштириш (ДБЙ) назариясини ҳам таҳдил қилиш мақсадга мувофикдир. Дидактик бирликларни йириклаштириш назариясининг муаллифи профессор П.М. Эрдниев бўлиб, мазкур ғоя ўтган асрнинг 60-йилларида олим томонидан чоп этилган монография, ўқитувчилар учун методик қўлланма, газета ва журналларда нашр этилган мақолалари орқали амалиётга татбиқ қилинган. П.Ф.Эрдниевнинг тадқиқоти натижаларининг кўрсатишича, ўқувчилар билимларини интеграциялаш масаласини ҳал қилиш учун ўқув топшириқларини соддалаштириш эмас, балки аксинча, мураккаблаштириш - дидактик бирликларни йириклаштириш зарур, лекин бунда ўқув материали таркибининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш лозим.

Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси И.П. Павлов (зиддиятларни қарама-қарши қўйиш), П.К. Анохин (тесқари алоқа),

А.А. Ухтомский (доминант), И.Р.Пригожин (ижодий тафаккурни ривожлантиришда киёслашга оид аклий хулосаларнинг марказий урин эгаллаши) кабиларнинг таълимда ютуқларга эришишнинг психофизиологик қонуниятлари борасида илгари сурган кашфиётларига асосланади. Айнан физиологик қонуниятлар дидактик бирликларни йириклаштириш назариясининг вужудга келиши ва ривожланишига алоҳида таъсир кўрсатди.

Дидактик бирликларни йириклаштириш асосан И.Павловнинг шартли рефлекслар методикасига асосланади.

Тескари топшириклардан фойдаланиш метода дидактик бирликларни йириклаштириш назариясининг негизини белгилайди. Дидактик бирликларни йириклаштириш бўйича 1-синфдан бошлаб она тилидан машқлар тузиш, ўқишдан матнлар танлаш муҳим аҳамиятга эга. Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси асосида тузилган дарсликлар воситасида ўқитиш ўзаро тескари ва ягона негиздаги таълимий ҳаракатларнинг биргаликда, бир дарсада, бир вақтнинг ўзида ва дарсликнинг бир саҳифасига жойлаб ўргатиш прагматик мазмунга эга. Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси асосида тузилган дарсликларда аклий алоқалар таъминланади.

Дидактик бирликларни йириклаштириш назариясида ўзаро алоқадор билимлардан фойдаланилади. Дидактик бирликларни йириклаштириш (ДБЙ) назарияси бўйича яратилган дарсликларда ўқув материаллари блок шаклидаги концентрлар сифатида тақдим этилади. Юқорида таъкидланганидек, билим ва тушунчалар ягона концентрга бирлаштирилиб, уларнинг ҳар биридан дидактик бирликларни йириклаштириш мақсадида фойдаланилади.

ДБЙ назарияси бўйича яратиладиган дарсликларда ўқув материаллини жойлаштиришда муайян қоидаларга асосланилади: жуфт мулоҳазалар ягона саҳифада параллел чоп этилади, ўхшаш фикрлар икки поғонали конструкцияга жойлаштирилади. Дарсликнинг ҳар бир саҳифасида, худди ҳар бир дарсадаги каби ўқувчи руҳиятига таъсир кўрсатадиган воситалар: сўз, нарс-буюм, раем, рамз, сондан бир вақтда фойдаланилади.

Концентризм асосида барча далилларни бир йўла қамраб олиш имконини беради. Концентрларда ифодаланган далилларни ўқувчилар яхшироқ тушунадилар ва хотираларида сақлаб қоладилар.

Шу тарзда, ДБЙ ва концентрларга жамлаш асосида ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантиришларини таъминлайдиган ўқитиш технологиясини қўллаш учун кенг йўл очилади:

1. Ўқувчида ахборотларни қайта ишлаш тафаккур ости механизмларининг фаоллашуви туфайли.

2. Аклий операцияларнинг макон ва замонда яқинлашиши сабабли.

3. Далилларга асосланган мантикий қисмлари ва ижобий ҳиссиётларнинг ўзаро таъсири сабабли.

ДБЙ ва ягона концентрларга жамлаш технологияси тафаккурнинг тарқоқ даражасидан интеграл даражасига ўтишга қаратилган.

ДБЙ ва ягона концентрларга жамлаш давомида куйидаги муаммолар ечимини излаш мақсадга мувофиқдир:

1. Дастлаб бошланғич синф она тили ва ўқиб дареларида ДБЙ ва ягона концентрларга жамлаш лозим. Бу ўз навбатида. ўқувчиларнинг изчил фикрлашларини жадаллаштиради.

2. ДБИ асосида ягона концентрларга жамлаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмалари ривожлантирилади.

3. ДБЙ асосида ягона концентрларга жамлашга оид эмпирик тажрибаларни мунтазам умумлаштириш ва дидактик жиҳатдан асослаш долзарб муаммолардандар.

Сўнгги йилларда педагогика фанига ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида ўқув материалларини концентризм тамойиллари асосида танлаш ғояси татбиқ этилмоқда. Бундай ёндашув ўқув жараёнининг психологик, дидактик ва методик жиҳатдан ривожлантириш имконини беради. Ушбу тамойил асосида ўқув материалларини танлаш масаласи дастлаб педагогика фанлари доктори Р.Сафарова томонидан илгари сурилган. Муаллиф ўз тадқиқотлари давомида она тили ўқув фани бўйича танланадиган ўқув материалларини тўртта концентрга бирлаштиришни таклиф қилган эди. Ўқув материаллини концентризм томоили асосида танлаш натижасида куйидаги дидактик афзалликлар вужудга келади:

1. *Таълим жараёни субъектларида бипимларни ўзлаштиришга нисбатан дискрет (алиқдалилж, узлуқаллик) ёндашув қарор топади.*

Мазкур жараёнда ўқитувчи ҳар бир дарсада ўқув материалларини ўқувчилар билан ҳамкорликда таҳдил қилади. Ўқув материаллари

таркибидаги асосий ҳамда иккинчи даражали тушунчалар, билим, маълумотлар ажратилади. Асосий элементлар меъёрида амал қилиб турган билимлар тизими мазмунидан иборат бўлса, иккинчи даражали элементлар меъёрида ишлаб турган билимлар тизими мазмунини ягона мантикий яхлит дидактик бирлик, яъни концентрга мужассамлаштиради. Концентр таркибидаги билимларнинг алоҳида қисмлари муайян бир дарсада янги мавзу сифатида ўрганилади ва бу жараёнда мазкур билимлар алоҳида аҳамият касб этиб, асосий билимларга айланади. Навбатдаги дарслардан эса, иккинчи даражали дидактик бирлик сифатида ўрганиладиган янги элементни бошқалари билан боғловчилик вазифасини ўтайди.

Билимларни қисмларга ажратишда қуйидагиларга таяниш мақсадга мувофиқ:

- а) билимларнинг дастлабки қисмлари;
- б) билимларнинг асосий тушунчалар таркибига кирадиган қисмлари. Даре жараёнида уларни ўзлаштириш ниҳоятда зарур, акс ҳолда, кейинги ўқув материалларини ўзлаштириш имконсиздир;
- в) билимларнинг муайян қисмлари ўқувчиларнинг дунё-қарашларини шакллантириш имкониятига эга.

Билимларнинг етакчи, асосий қисмлари ажратилгач, ҳар бир навбатдаги дарсада ўқув материални онгли ва мустақам ўзлаштириш мақсадида ўқитишнинг нисбатан мустақил тизимини ташкил этиш мумкин.

2. Таълим жараёни субъектларига такдим этиладиган билимларни ўзлаштиришга нисбатан функционал-тизимли ёндашув ҳам дидактик birlikларни яхлитлаш ва ягона концентрларга жамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ёндашув танланган билимлар ва ўқув материалларини тахдил этиш, унинг ҳар бир қисмига хос бўлган вазибаларни аниқлаш, алоҳида аҳамиятга эга бўлган билимларни тизимлаштирган ҳолда муайян концентрга жамлаш, билимларни тизимли ўзлаштириш қонунлари ҳамда ўқувчиларга билим беришда интеллектуал кўникмаларни шакллантиришнинг умумилмий воситаларидан фойдаланишга асосланади.

Ўқувчилар ўқув материалларини муайян изчилликда ўрганиш жараёнида улардан билимларни ажратиб, уларнинг вазибаларини изоҳлашга ўрганишлари лозим. Шу тариқа, ўқув курс ёки муайян бўлим бўйича билимлар ва уларнинг қисмларини қиёсий тахдил

қилиш кўникмасини эгаллашлари зарур. Бунинг натижасида умумий вазибалар билимлар таркибидаги умумийликни тақозо этиши ва бундай қисмлар ҳосила билимларни эгаллаш имкониятини беришини англаб етадилар. Шунинг учун ҳам муайян концентрларни ҳосил қилишда билимларнинг бажарадиган вазибаси муҳим омил ҳисобланади.

3. Ўқувчиларга такдим этиладиган билимларни муайян концентрларга жамлашда тизимли-структуралӣ ёндашув ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундай ёндашувда танлаб олинган билимларнинг ўзаро мувофиқдиги ўта муҳим ҳисобланиб, ўз ичига ўзаро алоқадор тушунчалар ва маълумотларни қамраб олади. Бунда билимларнинг таркиби ўқувчиларга тайёр ҳолда такдим этилмайди, балки уларнинг хусусиятини изчил тарзда ифодаловчи динамик тизим сифатида такдим этилади. Ўқув материални тахдил этиш ва унинг таркиби ҳақида тасаввур ҳосил қилиш уларни тезкор тушуниш ва самарали қўлашга имкон беради. Шу тариқа ўқувчиларга такдим этиладиган билимларни самарали ўзлаштиришлари учун зарур бўлган изчил тизим вужудга келади. Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган ўқув материалнинг таркиби пухта ўзлаштирилади, билимларнинг мустақамлиги ва англаб олинганлик даражаси таъминланади.

4. Ўқувчиларга такдим этиладиган билимларни муайян концентрларга жамлашда тизимли-мантикий ёндашувга таяниш.

Ўқув материални мазкур ёндашувга таянган ҳолда концентрларга жамлашда кодлаштириш ва қискартириш методидан фойдаланилади. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларининг образли тафаккурларига таянган ҳолда сўзлардан кўра белгиларни осонроқ хотирада сақлаб қолишлари, ўз навбатида белгилар ва уларни ифодаловчи сўзлар, фикрлар ва матн мазмунини тез эслашларига таянган ҳолда амалга оширилади. Тизимли-мантикий ёндашув ижодкор ўқитувчиларнинг «таянч конспектлар» ва «таянч сигналлар» методларида ҳам ўз ифодасини топади.

Таълим мазмунини концентризм тамойили асосида танлашга тизимли мантикий ёндашувнинг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларини тахдил қилиш натижасида қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик:

1. Ушбу тамойилларга таянган ҳолда ўқув материалларини концентрларга бирлаштириш натижасида ўқув жараёнини ўқувчи

шахсига йўналтириш учун қулай дидкатик вазият вужудга келади; бунинг учун тизимли-мантикий ёндашувга асосланган ҳолда, ўқув материалларини блокларга бирлаштириш ва уни ўқув жараёнига татбиқ этишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш тақозо қилинмоқда.

2. Тизимли-мантикий ёндашув асосида ўқув материалларини концентрларга жамлаш натижасида куйидагилар аниқданди: а) катта ҳажмдаги ўқув материалларини ўқувчилар тўлик ўзлаштира олмайдилар, бунинг натижасида улар ўқув-билув жараёнида жиддий муаммоларга дуч келдилар; б) билимларнинг таркибини ўзлаштиришга нисбатан ўқувчиларнинг қизиқишлари ва интилишлари сусаяди.

3. Тизимли-мантикий ёндашув асосида ўқув материалларини концентрларга жамлаш ўқувчилар билимини тизимлаштиришга қўмаклашади. Шу билан бир қаторда, ўқув материалларини концентрларга жамлашда дискрет ва тизимли-структуралли ёндашувларга бир йўла таяниш мақсадга мувофиқдир.

Таълим мазмунини концентризм тамойили асосида танлаш жараёнида тизимли-мантикий ёндашувга таяниш ўқув материалларини мақсадга мувофиқ тарзда тартибга солиш ва таркиблаштириш ҳамда муайян концентрларга жамлаш имконини беради. Ўқув материалларини тизимлаштириш ва структураллаштириш уларни муайян концентрларга жамлаш ҳамда изчил, кўргазмали тарзда ўқувчиларга такдим этиш имконини беради, Бунинг учун ўқув материаллари мазмуни устида ишлаш уни муайян блокларга бирлаштириш асосида ўқувчиларга такдим этиш натижасида ўқув жараёнида кафолатланган натижага эришиш мумкин. Ўқув материалларини блокларга ажратиш ўзига хос дидактик мақсадларга эга. Улар ўқув материални қулайроқ такдим этишга қўмаклашадиган иллюстрациялардан тортиб қўшимча машқлар, топшириқларни бажариш имконини берувчи ўқув топшириғи мақсадигача тааллуқли бўлади. Масалан, мақоллар ва маталлар, қандай инсонларни сабр-қаноатли инсонлар дейишади?, Баҳорги дала ишлари ҳақида сўзлаб беринг.

Дидактикада мавжуд бўлган ўқув материали мантикий структурасини белгилашга оид тажрибалар илмий ҳодисалар, жараён ва объект ҳолати ҳақидаги билимларнинг дидактик моделида ўз ифодасини топади. Мазкур модел интеграллашган характерга эга бўлишига қарамасдан универсал эмас. Мавжуд

тадқиқотларда ўқув материални концентризм тамойилига таяган ҳолда танлашнинг назарий-амалий жиҳатлари очиқ берилмаган. Бу эса юқори самардорликка эга бўлган дидактик бирликлар, ўқув блокларидан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Шунга кўра, биз ўз изланишларимизда концентризм тамойилига таянган ҳолда, ўқув материалларини танлаш ва структураллаштиришнинг дидактик асосларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Ўқувчилар ўзлари эгаллаган билимлар асосида муайян концентр доирасидаги мантикий тизимни тасаввур қилдилар.

Мазкур принцип доирасида ўрганилаётган дидактик бирликларнинг макропараметрлар ўртасидаги алоқадорлик яққол ифодаланиши керак. Бирок амалдаги дастур ва дарсликлар таҳдиди мазкур ҳолатнинг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Биз педагогик амалиётда концентризм тамойилини қанчалик татбиқ этилганлигини аниқлаш мақсадида дастлаб ўқитувчилар орасида сўровлар ташкил этдик. Сўровларда республикамизнинг турли вилоятларидан 500 дан ортиқ респондент ўқитувчилар иштирок этдилар. Саволларга куйидагича жавоблар олинди:

1-савол. Мактаб дарсликларида қандан такрор мавзулар бор?

Ушбу саволга жавоб берганлар сони 439 та. Умуман жавоб вариантлари куйидагича бўлди: 1-синф дарсликларида такрор мавзулар йўқ-14 та. 2-синф дарсликларида такрор мавзулар йўқ-1 та. «Ибн Сино бобо улашар даво» мавзуси 2- ва 3-синф ўқиш дарслигида такрор берилган-1 та. 1,2,3,4-синфларда «Овчи», «Бобур ва кабутар» матнлари такрор берилган-2 та. 1-синф ўқиш дарслигида топишмоқ ва мақоллар такрорланган-1та. 3-4-синфларда «А.Навоий» мавзуси такрор-1 та. 3-синф ўқиш дарслигида Светафор, Ўқувчига эсдалик шеърлари, Табиат-шунослик дарслигида ҳам такрор берилган-2 та. Ўқиш, она тили дарсликларидаги мавзулар одобномада ҳам берилган-2 та. 2-синф Ўқиш китобида берилган «Орзулар» шеъри одобномада ҳам бор-4 та. 4-синф она тили ва одобнома ўқув фанида бир хил шеър берилган-2 та. 2-синф Ўқиш китобида такрор мавзулар бор-2 та. 3-синф ўқиш дарслигида такрор мавзулар йўқ-1 та. 1-синфда она тили ва одобнома китобларида такрор мавзулар бор-1 та. Она тили дарслигидаги сўз туркумлари барча синфларда такрор берилган-1 та. 1-2-синфларда нарса номларини сўзлар, кишиларнинг исми, фамилияси, гап матни, бўгин мавзулари такрор берилган-5 та. 2004

йил, Тошкент, Чўлпон нашриёти К.Досимова, С.Фузаилов, А.Неъматова 2-синф она тили дарслигида такрор мавзулар бор-4 та. Ҳан мавзуси 3-6-бетларда ва 26,29,31-бетларда такрор, яна шу ўринда гап, нутқ, матн тартибида берилса ўқувчиларга тушунарли бўлади-2 та. 3-синф она тили дарсликларида такрор мавзулар йўқ-1 та. Одобнома, табиатшунослик дарсликларида табиатни асраш бурчи ҳақидаги мавзулар такрор берилган-2 та. Одобнома дарслигида 2-синфдаги «Кўприк» мавзуси 3-синфда такрор берилган-1 та. Саломлашиш одобномада такрор-1 та. Ҳар ўқув йилида дарсликларда мавзулар ўзгармаса яхши бўларди-1 та.

2-савол. Ўқув режасидаги қайси фанларни ўзаро бирлаштириш мумкин деб уйлайсиз? Асослаб бери н г.

Ушбу саволга жавоб берганлар сони 449 та. Жавоб бермаганлар эса 78 та.

Бошланғич синф дарсликлари бўйича 20 турда жавоб вариантлари берилган. Шулардан: ўқув фанларини бирлаштириш мумкин эмас, ҳар қайси фаннинг ўз ўрни бор-13 та. Меҳнатни тарбиявий соат билан бирлаштириш мумкин-17 та. Табиат дарсликларида ўқув соатлари, мавзулар кам берилган. Даре соати 2 соатга камайса-1 та. Ҳар бир фаннинг ўз мақсад ва ўрни бор-13 та. Она тилини табиатшуносликка бирлаштириш мумкин-1 та. Ўқув режадаги фанларни бирлаштириб бўлмайди-7 та. Бошланғич синфларда бундай фанлар йўқ-2 та. Одобнома ва ўқиш фанларини бирлаштириш мумкин-21 та. Одобнома, ўқиш ва тарбиявий соатни бирлаштириш мумкин-3 та. Одобнома, ўқиш, атрофимиздаги олам фанларини бирлаштириш мумкин-2 та. Ўқиш, она тили, одобнома ўқувчи одобини яхшилашга хизмат қилади-1 та. Ўқиш, она тили фанларини бирлаштириш мумкин-2 та. Атрофимиздаги олам ва одобнома фанларини бирлаштириш мумкин-2 та. 3-синф табиатшунослик фанини ўқиш билан бирлаштириш мумкин-1 та. 1-синф ўқув режасидаги фанларни бирлаштириш шарт эмас, ҳар бир ўқув фани ўз мақсад ва йўналишига эга-1 та. Ўқувчиларга раем дарсида ўтиладиган мавзуларни меҳнат дареларида давом эттирилса бўлади. 1-дарс раем чиздирилса, 2-дарс амалиётда бажарилади-1 та. Она тили ва чиройли ёзувни бирлаштириш мумкин-1 та.

3-савол. Бошланғич синф дарсликлари ва дастурларида қайси мавзулар майдаланиб кетган ва такрор берилган?

Ушбу саволга жавоб берганлар 246 та, жавоб бермаганлар эса 281 та.

Тасвирий савъат ўқув фанидан 3 турдаги жавоб вариантлари берилган. Такрорий мавзулар мавжуд эмас-6 та. 1-4-синфларда мураккаб мавзулар берилган-1 та. Репродукциялар, суратларнинг кўпроқ берилишига муҳтож, тахмин етишмайди-3 та.

Музыка ўқув фанидан 2 турдаги жавоб вариантлари берилган. 1-синфда берилган кўпгина куй, қушиқлар 2-синфда ҳам такдим этилган. Онажонлар байрами, Каклик шеърлари-1 та. 1-синфнинг II ярим йиллик иш режасидаги СОЛБ калити ва нота йули майдаланиб кетган-1 та.

Она тили ўқув фанидан 18 турдаги жавоб вариантлари берилган. 3-синф она тили дарелигидаги мавзулар IV чоракда жуда майдаланиб кетган-1 та. Она тили фанидан Сўз туркумлари, Сўз ясовчи қўшимчалар мавзулари жуда ҳам майдаланиб кетган. 1-3-синфларда такрорланган-1 та. 1-синф она тили дарсликларида От, сифат, Феъл кенгрок берилган-1 та. 2-синф она тили дарслигида янги мавзу берилиб, унинг таърифи ҳам бир вақтда берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди -1 та. 4-синф она тили фани жуда мураккаблашиб кетган. Ўқувчиларнинг қобилияти ва имконияти даражасида ўқув материаллари берилса, уларнинг билимдонлиги ортар эди -1 та. 4-синфда От сўз туркуми ҳақида эслатилса-1 та. Бошланғич синфларда она тили дарелигидаги мавзулар майдаланиб кетган-16 та, Ҳаммаси ўз меъёрида-1 та. Гап ва матн майдаланиб кетган-2 та. Она тили дарелигидаги феъл маъновий гуруҳлари, аниқ отларнинг турлари такрор-1 та. Она тили даре мавзулари қисқа, аниқ бўлиши керак-1 та. Она тилидан бошланғич синфларда нарса номларини билдирган сўзлар такрор-1 та. 3-4-синф дарелик ва дастурларида сўз туркумлари майдаланиб кетган-2 та. Она тилидан 2-4-синфларда такрор мавзулар бор-1 та. Унли ҳарфлар, кетма-кет келган ундошли сўзлар, сўз туркумларига оид мавзулар 1-4-синфларда такрор берилган-1 та.

Бошланғич синф ўқув предметлари бўйича 12 турдаги жавоб вариантлари берилган. Мавзулар кенг берилган, уларни майдаланиб ва такрор берилган деб айтолмайман-2 та. Бошланғич синфларда айрим мавзуларда мураккаб сўзлар кўп-1 та. Дарсликларда ўқувчиларнинг дунёқараши, тасаввур қилиш ҳолати

тўғри белгиланган. Мавзулар деярли ўз ўрнида. Ўқувчиларга деярли қийинчилик туғдирмайди-1 та. Бошланғич синф дарсликлариде ёд оладиган шеърлар, мураккаб сўзлар кўп. Уларни соддалаштириш керак-9 та. Баъзида 1-синфда ўтилган мавзулар 2-синфда, 2-синфда ўтилган мавзулар 3-синфда такрорланиб келади-4 та. Бошланғич синф дарсликлариде такрор ва майдалашган мавзулар йўқ-9 та. Бошланғич синфларда ҳайвонлар ва Ватан тўғрисидаги мавзулар такрор-2 та. Дарслик ва дастурлар ДТС асосида тузилган-6 та. Йил фасллари мавзуси майдалашиб кетган-6 та. 1-синф дарсликлариде майдалаштирилган мавзулар йўқ, аксинча, шеър ва матнлар йириклаштирилиб берилган. Ватан посбонлари, Узбекистан шеърларини болалар эсда сақлаб қолаолмаяпти. Сўзларнинг луғавий маъноси қийин-1 та. Бошланғич синф дарсликлариде МСТИлар анчагина камчилик ва майдалашиб кетган-1 та. Барча мавзулар кетма-кетликда, ўқувчиларга мое ҳолда берилган-4 та.

Ўқиш ўқув фанидан 13 турдаги жавоб вариантлари берилган. Ўқиш китобидаги айрим шеърларда мазмун-ғоя йўқ-1 та. Уқишдан бир соатга муҳокамага топшириқ берилса. Ўқитувчи кенгайтириб ўқувчиларга тушунтирса-1 та. Ўқиш дарсларида айрим текстлар жуда майдалашиб кетган, лекин бир соатга режалаштирилган-3 та. Ўқиш дарслигидаги шеър ва эртақлар Одобномада ҳам такрорланган-1 та. 3-синф ўқиш китобида мавзулар майдалашиб кетган-1 та. 4-синф ўқиш китобида мавзулар майдалашиб кетган-1 та. 1-синф ўқиш китобида мавзулар жуда кенг берилган. Режа мое келмайди-1 та. 1,2 ва 3-синф Уқиш^ дарсликлариде Бобур ва кабутар мавзуси такрор берилган-2 та. Ўқиш китобидаги А.Навоий ҳақидаги мавзулар такрорланиб, топишмоқ ва мақоллар такрор берилган-1 та. «Болари ва пашша» мавзуси 2-синфнинг ўқиш ва одобнома дарсликлариде такрорланган-1 та. 2-синф Ўқиш китобидаги баҳор ҳақидаги шеърларни ўзаро кўшиб ўтиш мумкин-1 та. 3-4-синфларда берилган Узбекистан, Мустақил Узбекистан бўлими майдалашиб кетган-3 та. Ўқиш фанидаги 2-4-синфларда такрорланишлар юз берган-1 та.

Мактаб раҳбарларн томонидан 6 турдаги жавоб вариантлари берилган. Бошланғич синф дарсликлариде ўқувчи ёши ҳисобга олиниши керак-1 та. Такрорлашга соатлар кўп ажратилган ва бошланғич ҳамда юқори синф ўртасида боғланиш йўқ-2 та. Сўз туркумлари ва гап бўлақлари жуда саёз берилган-1 та. Дарсликлар

ҳажми жиҳатдан беўхшов, расмлар ва уларнинг сифати яхши эмас-1 та. Мавзулар такрорлангани йўқ-1 та. Дарсликлар сифати яхши эмас, ёзувлар майдалашиб кетган-1 та.

4-савол. Дарсликлардаги кайси мавзуларни ўзаро кўшиб, йириклаштириб баён қилиш мумкин?

Ушбу саволга жавоб берганлар сони 408 та. Жавоб бермаганлар эса 119 та.

Она тили ўқув фани бўйича 19 турдаги жавоб вариантлари берилган.

От сўз туркуми, феъл-сўз туркумлари йириклаштириб баён қилиш мумкин-3 та. Она тили дарсликлариде Сўз туркумлари мавзуларини йириклаштириш мумкин-4 та. Она тили мавзуларини кискартириш мумкин-1 та. Морфология, сифатдошларни -1 та. Фонетика бўлимидаги ҳарфлар майдалашиб кетган. б-7-ҳарфларни битта мавзу қилса бўлади-1 та. Фонетика ва пунктуация бўлимидаги мавзуларни кўшиб йириклаштириш мумкин-3 та. Она тили дарслигидаги Сифат сўз туркумини кискартириш, феъл сўз туркумини тўлдириш мумкин-1 та. Сифат ва феълнинг маъно турлари мавзулари майдалашиб кетган-1 та. Сифат сўз туркуми ҳақида бошланғич синфлардан маълумот берилганлиги сабабли юқори синфларда ихчамлаштириш мумкин-1 та.

Бошланғич синф ўқув фанлари бўйича 27 турдаги жавоб вариантлари берилган. Дарсликларга алломалар ҳаёти ва ижоди тўла киритилиши керак-2 та. Мавзулар ўқувчилар учун жуда тушунарли берилган-1 та. Дарсликлардаги мавзуларни ўзаро кўшиб йириклаштириб баён қилиш шарт эмас. Ҳамма мавзулар болалар савиясига, ёшига мое ҳолда берилган-2 та. 2-синф дареликлари ўқувчилар ёшига мое равишда чиқарилган. Уларни кўшиб ҳам, йириклаштириб ҳам бўлмайди-1 та. Бошланғич синфларда мавзулар ихчам бўлиши тарафдориман-3 та. Ҳар бир ўқув фанида мавзулар имкони борича соддалаштириб берилади, лекин ўқитувчининг фикри ва нутқи кенг бўлади. Йириклаштириш, оғзаки баён қилиш орқали амалга ошириш мумкин-1 та. Қушлар ва ҳайвонлар-бизнинг дўстимиз мавзусида Табиатни асранг, авайланг мавзусини кўшиб йириклаштириб ўтиш мумкин-4 та. Она тили фанидан режадаги машқлар 1 тадан берилган, шуларни 2-чи машғулотга кўшиб олиб борилса, йириклашган ҳолда баён этилади-1 та. Масалан, гап ва матн мавзуларини.

Табиат ўқув фани бўйича 5 турдаги жавоб вариантлари берилган. Табиат дарелигидаги хашаротлар мавзусини йириклаштириб берса бўлади-1 та. 4-синф табиатшунослигида тоғлар, сув, сув хавзалари ва Табиатда кўшнинг аҳамияти мавзуларини бирлаштириш мумкин-1 та. 3-синф табиатшунослигидаги одам, хайвонларнинг хилма-хиллиги мавзуларини бирлаштириш мумкин-1 та. 3-синф табиатшунослик дарслигида ҳар бир мавзу 4-5 та мавзучаларга бўлинган, йириклаштириб лўнда ҳолда баён қилинса-1 та. Ҳаво массалари, шамоллар, сувликлар мавзусини йирикроқ қилиб баён қилиш мумкин-1 та.

Бошлангич синф ўқув фанлари бўйича 26 турдаги жавоб вариантлари берилган. Ўқиш фанида берилган буюк сиймолар тўғрисидаги мавзулар ва она тили фанидан эса режадаги машқлар биттадан берилган, шуларни 2-машгулотга қўшиб олиб борилса, йириклашган ҳолда баён этилган бўларди—1 та. Гулливернинг саёҳдти 4-синф Ўқиш китобида 1 соат берилган, ана шу 2 соат берилиши, бошқа матнлар ҳам эътиборга олинши лозим —1 та. Зумрад баҳор ва Баҳор шеърини бирлаштириш мумкин—1 та. Ўқиш дарелигидаги 8-Март байрамига аталган мавзу кенгроқ келтирилмаган. Байрам ҳақида кенгроқ тушунча берилса маъқул бўлади—1 та. 2-синф Ўқиш китобидаги Баҳор ҳақидаги шеърларни биргаликда қўшиб ўтса бўлади—2 та. 3-синф Ўқиш фанидаги Куз, Баҳор, Ёз ҳақидаги мавзуларида кичик шеър, топишмоқлар ва мақолларни қўшиб баён этса бўлади—7 та. 1-синф Ўқиш дарелигидаги Она алласи мавзусининг хулосаси берилмаган, йириклаштириб ёзиш керак—2 та. Ҳар бир фанда мавзулар имкони борича соддалаштириб берилди, лекин ўқитувчининг фикри ва нутқи кенг бўлади. Йириклаштиришни, озгаки баён қилиш орқали амалга ошириш мумкин—1 та. Ўқиш ва одобнома фанлари алоҳида имкониятга эга—5 та. 4-синф Ўқиш дарелиги ҳам жуда мураккаб—1 та. Ўқиш дареликларидagi Одоб-ахлоқ, Меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат мавзуларини қўшиб йириклаштириб ўтиш мумкин—1 та. 3-синф Ўқиш китобидаги «Гўзал фазилят—инсон хусни» бўлимидаги Ота-онани хурматлаш, «Онани рози қилиш ҳақида» мавзулари жуда қисқа берилган. Шу матнларнинг ҳажми озгина кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди—1 та. Ўқиш дарсликларида Санамалар кам берилган. Мана шу мавзу озгина кенгайтирилса. Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик каби мавзулар

йириклаштирилиб берилса, яхши бўлади—1 та. 2-синфда Полиз экинлари ва мевалар мавзуларини йириклаштириб баён қилиш мумкин—1 та. 4-синф Ўқиш китобида миераси кам шеър ҳам 1—2 қисмли хикоялар ҳам 1 соатга берилган—1 та. 3-синф Ўқиш китобидаги Ватан—жаннатмакон Ўзбекистон» бўлимидаги «Ватан ҳақида ёзилган мавзулар ўқувчилар ёшига нисбатан мураккаб баён қилинган. Мавзуларни йириклаштириб содда тилда ёзиш керак—1 та. 4-синф Ўқиш дарелигидаги Баҳор таърифида мавзуси билан Баҳор шеърини қўшиб баён қилиш мумкин—1 та. Йил фаеллари мавзуларини йириклаштириб баён қилиш мумкин—12 та. Айрим кичик матнлар ва айрим кичик шеърларни бирлаштириб баён қилиш мумкин—1 та. 2—3-синфлардаги бўлимлар асосида берилган баъзи мавзулар такрор келган. Маслан, Ватан ва Ўзбекистан байроги мавзуларини бирлаштириш мумкин-1 та. Дарсликларда ўқув материалларини кенг баён қилмай, ўйин тарикасида, саволлар асосида баён қилиш керак—1 та.

5-савол. Сиз истикболда таълим мазмунининг қандай бўлишини хоҳлар эдингиз?

Ушбу саволга жавоб берганлар 494 та. Жавоб бермаганлар эса 33 та.

Бошлангич синф ўқитувчилари томонидан 25 турдаги жавоб вариантлари берилган. Жаҳон андозаларига мое равишда аниқ бўлишини хоҳлардим-2 та. Ҳар томонлама мукамал, замонавий, ўқувчини ўзига тўла жалб қила оладиган таълимни ҳисоблайман-1 та. Мен таълимнинг «5» балли тизимга ўтишини хоҳдайман-19 та. Мазмунли, ўқувчиларга тушунарли бўлишини хоҳлар эдим-2 та. Таълим мазмуни мукамал бўлишини хоҳлар эдим-3 та. Таълим мазмунини тўла-тўқис бўлишини хоҳлардим-4 та. Назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини, техник воситалар билан боғланишини истайман -6 та. Миллий, инсонпарварликка асосланган -4 та. Ўқувчиларни эркин фикрлаб, қизикқан фанларига қатнашиши, замонавий техника воситаларидан фойдаланиб, кучли билимга эга бўлишларини хоҳлар эдим-10 та. Таълим мазмуни янада такомиллаштирилиб, ўқувчиларни Ватанга садоқат, миллатига эътиқодли бўлишини истар эдик-1 та. Таълим олиш ихтиёрий бўлса, масалан, битта синф математикага ёки она тилига ихтисослашган бўлса, ўқувчи шу синфда ўзи қизикқан фан бўйича чуқурроқ билим олса яхшироқ бўларди-3 та. Таълим тизимини

илғор метод асосида изчил ва содда бўлишини хоҳлардим-1 та. Мураккаброқ ва тушунарлироқ бўлишини истайман -1 та. Рейтинг тизимидан баҳога ўтиш мақсадга мувофиқ -7 та. Содда ва замон талабига мое бўлиши -8 та. Замон талаблари даражасида, қишлоқ ва шаҳар шароитига қараб дарсликлар чиқарилса-3 та. Китоблар бепул берилишини хоҳлардим-2 та. Таълим мазмунини ўқувчининг ёш ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда содда ва мазмунли бўлишини хоҳлардим-4 та. Таълим мазмуни тушунарли ва кенг қамровли бўлиши лозим -7 та. Истикболда таълим мазмунини янги педтехнологиялар компьютерлар, электрон дарсликлар билан даре ўтишга мослаб танланишини -13 та. Ўқув фанлар якунида ўқувчилар ДТС талабларига жавоб беришини назоратдан ўтказиб, синфдан-синфга кўчирилиши-1 та. Амалий жиҳатдан пухта бўлиши-1 та. Таълим мазмунини замон билан мое ҳолда кетма-кетликка риоя қилинган, янги ахборот тизими билан боғлиқ ҳолда-3 та. Албатта, барча вилоятларга бориб, ўша жой тарихи ўргатилиши керак-1 та. Даражали табақалаб ўқитиш асосида-1 та.

Она тили ўқув фани ўқитувчилари томонидан 15 турдаги жавоб вариантлари берилган: ДТС талаблари асосида таълим беришни истардим-1 та. Компьютерлашган синфларда, электрон дарсликлар орқали-1 та. Глобал бўлиши-4 та. Келажакда ихтисосликка асосланган таълим тизими бўлишини -6 та. Дарсликлар замон талабларига мое равишда ҳар 5 йилда ўзгариб туриши лозим-1 та. Таълим мазмуни мукамал ва такрорларсиз бўлса-1 та. Ўқитувчи учун қулай, ўқувчи учун мазмунли бўлишини-1 та. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган фанларнинг бўлишини хоҳлардим-1 та. Инсонпарварона, демократик ва тушунарли қилиб берилишини хоҳлаймиз-3 та. Ҳар бир ўқувчининг билим олиши учун тушунарли ва қулай бўлсин-2 та. Аниқ ва раvon бўлишини-2 та. Ўқувчиларнинг жисмоний, ақлий жиҳатдан баркамол бўлишига хизмат қилишини-1 та. Таълим мазмунини ҳозиргидек бўлишини-1 та.

6-савол. Нима учун дареликларнинг ҳажми катта, уларни қисқартириш учун нмаларга эътибор бериш керак?

Ушбу саволга жавоб берганлар сони 491 та. Жавоб бермаганлар эса 36 та.

Бошланғич синф ўқитувчилари томонидан 35 турдаги жавоб вариантлари берилган. Табиат катта ҳажмда берилган-3 та. Тарих.

Ўқиш фанларига сингдириш керак-2 та. Дарсликлар ҳажми талаб даражасида-13 та. Дарсликлар муқоваси қаттиқ, қалин, сифатли қилиб ишланса яхши бўларди-9 та. Ўқувчилар фойдаланиши қулай бўлиши учун ҳажмини, айрим мавзуларни кичрайтириш керак-12 та. 3-синф она тили дарелиги муқоваси юпка берилган-1 та. 1-синф Алифбе дарелиги катта-9 та. 2,3,4-синф дареликлари ҳам катта. Баъзи катта мавзуларни қисқартириб, ҳажмини кичрайтириш керак-4 та. Мавзулар қисқа ва лўнда баён этилса-8 та. Ишлаб чиқариш сифатига-14 та. ДТС га мое тузилган-2 та. Ўқиш фанидаги мавзуларни яқин маънодаги ҳикоя, матнларни бирлаштириш мумкин-1 та. Кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мавзуларни бериш керак-2 та. 1-синф Ўқиш дарелигини ҳажмини кичрайтириш керак-5 та. 2-синф дарелигидаги «Қиш» бўлимидан сўнг бирдан «Баҳор» бўлими бошланади, бу жараён январнинг охирига февралнинг бошига тўғри келади. Баҳор ҳақида февралнинг охири, мартнинг бошида гапирсак яхши бўлар эди-1 та. 1-синф она тили китобининг ҳажмини кичрайтириш керак-1 та. Ўқиш ва она тили предметларига сингдириш мумкин-1 та. Муаллифлар ўқитув-чиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиши керак-5 та. Такрорлаш учун мавзулар ихчамлаштирилса-1 та. Дарсликлар ҳажмини кичрайтириш учун бобларда берилган ўхшаш мавзуларни қисқартириш керак. Масалан, «Нима яхши-ю, нима ёмон» мавзусини-2 та. 3-синф дареликларининг ҳажми мақсадга мувофиқ, уларни қисқартириш шарт эмас-2 та. Мавзуларга берилган соатларни қисқартириш керак-1 та. 4-синф матнлари яхши берилган. Аждодларимиз мероси бўлими кенгрок берилса-1 та. 2-синф она тили дарелигидаги йил бошида берилган такрорлашдаги машқлар қисқартирилса-1 та. Бир хил мавзулар такрорланишини олдини олиш керак-2 та. Саҳифаларни камай-тириш керак-2 та. Она тили ва математика дарелигидаги коидаларни соддалаштириш керак-1 та. Режага киритилмаган такрорлаш учун берилган мавзуларни қисқартириш керак-1 та. Мавзулар ҳажми унчалик катта эмас-1 та. 1-синф Одбнома фанидаги мавзулар мураккаб, айниқса, герб, байроқ ҳақидаги шеърлар-2 та. Одбнома фанида ўқувчилар мустақил бажарадиган топшириқлар берилиши керак-1 та. Ҳар йили янги дарсликлар чиқараверилмаслиги керак-1 та.

Мактаб раҳбарлари томонидан 21 турда жавоб вариантлари берилган. Дарсликларни ҳажмини қисқартириш учун мавзуларни

соддалаштириш керак деб ўйлайман. Қийин мавзуларни дарсликлардан чиқариб ташлашни тавсия этаман-2 та. Дарсликларнинг ҳажмини қисқартириш шарт эмас, нарҳини арзон қилиш керак-1 та. Уларни қисқартириш учун мавзулар лўнда, аниқ, қоидалар қилиб берилсада, амалий ишлари кўпроқ берилса-2 та. Имкони бўлса, ҳар бир фан учун амалий иш алоҳида, тарихи алоҳида, маълумоти алоҳида чиқарилиб, бир вақтда фойдаланиш имкониятига эга бўлинса -2 та. Дарсликлар ҳажмини қисқартириш учун мазмунига ва ўқувчилар ёшига эътибор бериш керак-3 та. Ижара тизимига берилган дарсликлар айниқса катта, уларни фақат ҳажмини қисқартиришга эришиш керак ва сифатига эътибор берилиши керак-2 та. Ёзилиш тилини соддалаштириш, мавзуларни ихчамлаштириш, ёндош мавзуларни бирлаштириш керак-1 та. Дарсликларнинг ҳажми катталиги сабаб мавзулар мураккаб баён қилинган. Уларни соддалаштириш керак-3 та. ЯПТ га асосланган йулланмали қўшимча, ноанъанавий услублар, мавзулар ҳажмини содда ва оддий этиб чоп этиш-2 та. Дарсликларда мавзуларнинг тушунтириш текстлари ва қоидалари кенгайтириб берилган, уларни қисқартириб баён этиш керак-2 та. Дарсликларда ҳафталик соатларга қараб мавзулар берилган. Уларга аниқ, зарур далилларга эътибор бериб, мавзуларни бир-бирига боғлаб, унинг ҳажмини қисқартириш керак-1 та. Дарсликларнинг ихчам бўлгани яхши-2 та. Кўпроқ тест ва крассвордлардан фойдаланиш керак-2 та. Ҳар бир фаннинг ўз ўрни бор -1 та. Қисқартириш мумкин эмас-1 та. Дарсликлар талабга жавоб беради-3 та. Мавҳум мавзуларга камроқ эътибор бериш керак-1 та.

Бошлангич синфларда ўқитиладиган ўқув фанлари мазмунининг тахлили шуни кўрсатадики, турли ўқув фанларининг мазмунида ўзаро яқин ва ўхшаш тушунчалар баён қилинган. Ўқувчининг вақти ва кучини тежаш, ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмуни бийитиш, изчиллигини таъминлаш асосида уларга сарфланадиган маблағни асосли камайитириш, ўқув режасини оптималлаштириш, шу асосда таълим самарадорлигини ошириш мақсадида таълим мазмуни концентризми тамойили асосида танлаш, ўқув материалларни тизимлаштириш ва муайян блоklarга бирлаштириш эҳтиёжи кучаймоқда. Ўтказилган сўровларнинг натижалари шуни кўрсатадики, респондент ўқитувчилар ўқув материалларини тизимлаштириш, уларни ягона концентрларга бирлаштириган ҳолда ифодалаш имкониятлари мавжудлигидан мутлақо

беҳабардирлар. Биз шу концентризми тамойили нуктаи назаридан ёндашган ҳолда, бошлангич синф дарсликлари ва ўқув дастурларини тахлил этишга ҳаракат қилдик ва қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик:

Жумладан, 1-синф ўқиш китобида «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзусига 12 соат ажратилган. Биз - буюқлар авлоди (11 соат), Қўқлам - яшнайти олам (9 соат), Илм - ақл чироғи (9 соат), Халқ ўғити - бахт қалити (9 соат), Одоб - инсонга хусн (8 соат), Меҳнатнинг тағи - роҳат (10 соат).

Оғли ўқиш кўникмаси, Ўқув йилининг охирида матнларни тўғри, меъёрида, равон, сингли ўқиш. Тузилиши мураккаб сўзларни бўғинлаб текис ўқиш. Гапларни оҳангига, тўхтамларига, тиниш белгиларига риоя қилиб, қироат билан ўқиш. Нотаниш матнни бир дақиқада ўқиш тезлиги 25-30 сўз.

Ёд олиш учун ўқув йили давомида 5-6 та шеърни ёд билиш талаб этилади.

Матн устида ишлаш, Ўқиш дарсларининг 30-35 дақиқаси бадий асарни ўқиш ва матн устида ишлашга ажратилади. Ўқувчидан бадий асарлар юзасидан ўқитувчи томонидан берилган саволларга ва дарсликдаги саволларга жавоб олиш, расмларга қараб матнларни қайта ҳикоя қилиш, асарнинг мавзу доирасини аниқлаш, сарлавҳани асардаги асосий фикр билан таққослаш, асарнинг тўлиқ мазмунини қайта ҳикоялаш ёки асар юзасидан оддий фикр билдиришга ўргатиш.

Асарни қисмларга ажратиш, унинг хатбоши билан алоқадорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Асар матнини эшитганлари, кўрганлари, қузатганлари асосида тўлдириш - ижодкорлик кўникмаларини таркиб топтириш. Асарда иштирок этган қаҳрамонларни билиш, уларга энг оддий тавсиф бериш - яхши, нима учун яхши, ёмон, нима учун ёмон эканини далиллаш.

Асарларни мавзу доирасига қўра гуруҳлаш. Асар юзасидан тузилган режани қайта ўқиш орқали таркиблаштиришга ўргатиш.

Асардаги айрим сўзларнинг маъноларини изоҳлашга (гап орқали, синоними, антонимини келтириш орқали) ўргатиш, матндаги айрим сўзларга маънодош, қарама-қарши маъноли сўзлар топишга ўргатиш.

Кишиларни, табиат манзараларини тасвирловчи бадий ифодаларни ўқитувчи ёрдамида аниқлаш, ўқувчилар нутқида қиритиш, кўп маъноли сўзлар иштирокида бирикмалар ёки гаплар

туздирши, ўқувчининг диққатини сўз маъносига қаратиш, «Ўқиш китоби» мундарижасидан керакли асарни топиш.

Синфдан ташқари ўқиш учун 8-16 бетли кичик ҳажмдаги асарлардан тузилган болаларбоп китоблар танланади. Ҳар бир синфдан ташқари ўқиш дарсида 1-1,5 бетли асардан фойдаланилади. Ушбу асарлар билан ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида танишадилар. У ҳар бир асарни ифодали, равон тарзда болаларга ўқиб бериши керак. Синфдан ташқари ўқиш дастурнинг асосий вазифаси ўқиш малакаларини такомиллаштириш, билимларини бойитиш, китоб билан мустақил ишлашга ўргатишдан иборатдир.

Ҳафтадаги охириги ўқиш дарсининг 20 дақиқаси синфдан ташқари ўқиш учун ажратилади.

Ўқиш мавзуси синфда ўқиладиган асарлар мавзуси билан уйғунлигига, таълим-тарбия бирлигида, мавсумий, босқичли ва болалар қизиқишига риоя қилган ҳолда белгиланади ҳамда асарлар танланади. Бунинг учун асосан, куйидаги мавзуларни режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қашқа бузоқ (Ҳазил), Аҳмоқ сичқон ҳақида эртақ, Болалар гурунги, Савол ва топшириқлар, Бахт билан қашшоқ (араб эртақлари), Кўпчиликдан ажралганнинг шўри қурийди (жаҳон халқ эртақлари), Тулки билан турна, Биз кичикмиз, сиз катта, Ақли ўғил, Қушлар қандай уйғонар, Мехр, Довюрақ чумоли, Қуён ила тошбақа мавзулари, топишмоқлар шулар жумласидандир.

Синфдан ташқари ўқишнинг асосий вазифаси болаларни мустақил амалий фаолиятга ўргатиш, билимини бойитиш ва ўқиш кўникмаларини изчил тизимга солиш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Ўқитувчиларга синфдан ташқари ўқиш дарсларида ўқишлари зарур бўлган китоблар, улар билан танишиш тартиби юзасидан кўрсатма ва тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир. Мактаб кутубхонаси билан биргаликда китоб кўргазмалари ташкил этилади.

Китоб муқоваси, бетларини фарқлай олиш, асар муаллифи, номларини, рассомларни таниш. Раём асосида асарларнинг нима ҳақида эканлиги, мазмунини аниқлашга эришиш талаб этилади. Ўқувчиларга ўзлари ўқиган китобларининг рўйхатини тузиб бориш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Уларни китоб танлашга ўргатиш ва ўқиш кўникмаларини шакллантириш, ўқиган асарлари мазмунини қисқача сўзлаб беришга одатлантириш,

уларнинг сўз бойлигини ошириш ва дунёқарашларини кенгайтиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

2-синф. Она юртим - олтин бешигим (19 соат), Мактабим - кутлуғ маконим, китобим- офтобим (12 соат), Олтин куз - ҳосилинг юз (6 соат), Оталар сўзи - ақлнинг кўзи (12 соат), Кумуш киш - мисоли оккуш (9 соат), Зумрад баҳор-бахри дилинг очар (16 соат), Қушлар, ҳайвонлар - бизнинг дўстимиз (5 соат), Эртақлар - яхшиликка етаклар (13 соат), Ёз - ўтади соз (8 соат), Табиатни асранг, авайланг (6 соат).

3-синф. Она битта, ватан ягона (19 соат), Халқ оғзаки ижоди (17 соат), Куз манзараси ва меҳнат (14 соат), Ўтмишни ўрганиш - бурчимиз (13 соат), Кумуш киш (6 соат), Ватан посбонлари (6 соат), Тенглошлар (10 соат), Улуғлардан ўрганмоқ - оқиллик (18 соат), Баҳор манзараси ва меҳнат (11 соат), Табиатни сеving ва асранг (6 соат), Гўзал фазилат инсон хусни (20 соат), 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни (4 соат), Ёз (6 соат)

4-синф. Истиклолим - истикболим (6 соат), Ўзбекистон - ватаним маним (8 соат), Олтин куз (6 соат), Маънавият - калб қуёши (11 соат), Халқ оғзаки ижоди (28 соат) Ватанимиз ўтмишидан (10 соат) Кумуш киш (5 соат), Нима яхшию, нима ёмон? (22 соат), Ҳайвонот оламида (11 соат), Зумрад баҳор (13 соат), Яшасин тинчлик, бор бўлсин дўстлик! (6 соат), Аждодларимиз - фахримиз (9 соат), Жаҳон болалар адабиёти (9 соат), Ёз - ўтади соз (9 соат).

Ўқиш китобида мавзулар рукнларга ажратилган, бироқ ягона концентрлар доирасида блокларга бирлаштирилмаган. Уларни синфлар бўйича тақсимлашда муайян изчилликка риоя қилинмаган. Шунинг учун ҳам дареликларда тақдим этилган ўқув материаллари ўзаро узвий боғланган ягона модулни ташкил этмаган.

Она тили дастурлари ва дареликлари шуни кўрсатадики, ўқув материаллари махсус концентрларга ажратилмаган ҳамда муайян блокларга бирлаштирилмаган. 1-2-3-4-синфларнинг ҳар бирида ўқув материаллари алоҳида-алоҳида тизимлар сифатида тақдим этилган. Масалан, 1-синфда Товушлар ва харфлар (28 соат), Сўзларнинг маъноси (23 соат), Нутқ ва гап (12 соат), Йил давомида ўтилганларни такрорлаш (5 соат), Хуснихат.

2-синфда. Биринчи синфда ўтилганлар юзасидан такрорлаш (6 соат), Товушлар ва харфлар (56 соат), Сўз (54 соат), Гап (20 соат), Хуснихат.

3-синфда. Такрорлаш (24 соат), Гап (30 соат), Сўз таркиби (22 соат), Сўз туркумлари (64 соат), Йил давомида ўтилганларни такрорлаш (30 соат), Боғланишли нутқни ўстириш, Хуснихат.

4-синфда. Гап (6 соат), Гап бўлаклари (7 соат), Уюшиқ бўлакли гап (11соат), Ундалма (6 соат), Нутқ. Матн (5 соат), Товушлар ва харфлар (10 соат), От (40 соат), Сифат (17 соат), Сон (11 соат), Кишилиқ олмошлари (И соат), Феъл (28 соат), Ўқув йили охиридаги такрорлаш (10 соат).

2-БЎЛИМ. БОШЛАНГИЧ СИНФ ДАРСЛИКЛАРИДА КОНЦЕНТРИЗМ ПРИНЦИПИ АСОСИДА ТАКДИМ ҚИЛИНАДИГАН ЎҚУВ МАТЕРИЛЛАРИНИ СТРУКТУРАЛАШНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Концентризм тамойилини муайян билим тушунчалар компонентидан унинг яхлит тизимига тадрижий асосда бориш сифатида тушуниш лозим. Шу тариқа аниқ бир ўқув фани таркибида ўқувчига такдим этиладиган билим ва тушунчалар яхлит модул сифатида тизимлаштирилади. Дидактикада бу ҳодисани таълим мазмунини яхлит модул сифатида спиралсимон тизим тарзида такдим этиш сифатида тушуниш лозим. Бу тизимнинг аниқ параметри сифатида таълим мазмунининг кичик қисмларидан, унинг яхлит тизимини таркиб топтириш назарда тутилади.

Тор дидактик маънода эса, концентризм тамойили мураккаб даражада шакллантирилган ўқув юкламалари тизими сифатида тушунилади. Тула маънода эса, мазкур тамойил таълим мазмунини аниқ блоклар қўринишида тўлиқ шакллантирувчи дидактик ходисадир. Мазкур дидактик тамойилга хос бўлган жиҳатлар ўзининг аниқ дидактик тавсифини кутмоқда. Бунинг учун концентризм тамойилининг ички хусусиятларини ва таълим мазмунини танлашдаги кенг имкониятларини назарий жиҳатдан тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда биз концентризм тамойилининг хилма-хил жиҳатлари, кдрралари, унинг бошқа тамойиллар ва ўқув материаллари билан алоқадорлиги ўзаро муносабатларини дидактик жиҳатдан асослашга ҳаракат килдик. Шу жиҳатлари билан концентризм тамойили таълим мазмунини танлашда таяниладиган энг самарали принцип бўла олади.

Билиш назарияси нуктаи назаридан билимларни спиралсимон блокларга бўлган ҳолда, такдим этишга интилишлар кузатилган. Қўпчилик файласуфлар бу назарияни билиш жараёнининг тараққиётига нисбатан қўллаганлар. Мазкур назарияларга кўра билимларнинг концентрлар таркибида такдим этилиши уни ўзлаштирувчиларнинг тизимли, мантикий фикрлаш имкониятларини кенгайтиради. Муайян ходисалар ҳақида бир бутун яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу эса ўқувчиларда билим, қўникма ва малакаларнинг тизимли тарзда шаклланиши учун асос бўлади. Бунинг натижасида билимларни амалий қўллашда аниқлик вужудга келади. Концентризм тамойили асосида

танланган ўқув материаллари ёрдамида ўқувчиларда мужассамлашган аниқ тушунчалар билим ва кўникмалар ҳосил бўлади, улар орасидаги узвийлик таъминланади.

Шундай қилиб, шахе тафаккурининг таракқий этиш диалектикаси унга такдим этиладиган билимларнинг яхлит блоклар тарзида берилишини тақозо қилади. Бу жараёнда ўқувчининг фикрлаш тизимида билим ва тушунчаларни яхлитлаштириш ва мужассамлаштириш имконияти вужудга келади. Дастлаб ушбу тизимда ўқувчи концентр таркибида ўзлаштирган билимларини аниқ идрок эта бошлайди. Бироқ бу жараёнда у фикрлашдан тўхтамайди. Концентр таркибидаги муайян билим ва тушунчаларни яхлит тарзда ўзлаштиради. Ўқувчи муайян концентр таркибидаги билимларни ўрганар экан, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа концентр таркибидаги билим ва тушунчалар ўқувчи томонидан табақалаштирилади ва аниқ қисмларга ажратилади. Шунинг учун ҳам концентризм тамойили таълим мазмунини танлашда таяниладиган дидактик принцип сифатида катта имкониятларга эга.

Концентризм тамойили муайян ўқув материалининг алоҳида қирраларини ўқувчига такдим этиш имконини беради. Масалан, биринчи концентрда сўз ва унинг маънолари ҳақида тушунча берилса, иккинчи концентрда сўзларнинг қўлланиш доираси уларнинг услубий имкониятлари ҳақида ўқувчиларга маълумот берилади.

Билиш жараёнини ривожлантиришнинг аниқ тизими икки хил дидактик аҳамиятга эга:

1) ўқувчиларда таркибий қисмларга бўлинмаган яхлит фикрлаш тизими вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида уларда тадқиқотчилик ва мустақил фикрлаш кўникмаларининг ҳосил бўлишига асос бўлади;

2) ўқувчиларда фикрий умумлашган, яқунланган тасаввурлар ва муайян соҳага оид илмий дунёқараш ҳосил бўлади. Жумладан, филологик, математик, тарихий, маданий-маънавий дунёқараш каби.

Концентризм тамойили ўқув дастурлари ва дарсликларда билимларни мантиқий изчилликда яхлит тизим сифатида баён қилиш, уларни навбатма-навбат тадрижий асосда такдим этиш имкониятини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам концентризм тамойилини ўқувчиларда муайян ўқув фанига оид билимлар,

тушунчалар, кўникмалар ва дунёқарашни ривожлантирувчи тамойил сифатида асослаш лозим. Ушбу тамойил асосида такдим этиладиган ўқув материаллари ўзига хос таркибий қисмларга эга. Концентр доирасида ўзлаштирилган билимлар ёрдамида ўқувчилар муайян соҳада мулоқотга кириша оладилар.

Концентризм тамойили асосида ўқув матери ал и ни танлашда:

1) ўқув предметининг ажратиб олинган алоҳида мавзулари бўйича тахлилий ишларни режалаштириш;

2) такдим этиладиган муайян билим ва тушунчаларнинг мавжуд қирраларини аниқлаш ва тизимлаштирилган ҳолда кетма-кетликда ифодалаш.

Бунда ҳодисаларни аниқ ифодалаш имконияти каттадир. Назарий билимларни тизимли тарзда блокларга бўлиб баён қилиш, уларни кичик қисмлардан каттароқ блокларга бирлаштиришни ифодалайди. Билимларни концентризм тамойили асосида баён қилишнинг ҳар иккала йўналиши умумий характерга эга. Билимларни концентризм тамойили асосида баён қилишнинг иккинчи йўналишига асосланган ўқув жараёни натижалари самарали бўлади. Шунинг учун ҳам концентризм таълим мазмунини танлашда таяниладиган дидактик тамойилдир. Мазкур концентрлар таркибида ўқув материалининг янги, ўқувчи учун аҳамиятли бўлган қирралари очилади. Бунда ўқув материаллари аниқ, умумлашган бирлик сифатида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам дастлаб ўқув курси доирасидаги барча ўқув материалларини блокларга ажратиб, улар орасидаги алоқадорлик ҳамда узвийликни аниқлаш лозим. Концентризм тамойили такдим этилаётган ўқув материалларининг серқирралиги, хусусий ҳамда умумий жиҳатларини аниқ ифодалашга хизмат қилади.

Концентризм асосида такдим этиладиган ўқув материаллари бир қатор талаблар асосида танланади:

а) ўрганилаётган ўқув материалининг хусусий ҳамда умумий жиҳатларини аниқлаш;

б) ҳар бир концентрда ўқув материалининг муайян қирраларини очиш;

в) ўқув материалининг объектив жиҳатларини кўрсата олиш каби.

Масалан, математика ва сонлар тушунчаси, ҳисоб билан боғлиқлиги учун ҳам бир тизимдаги тушунчалардир. Шунингдек, синоним ҳамда антоним сўзларни сўз бойлиги сирасида бир блокка

бирлаштириш мумкин. Бир концентр таркибига кирувчи тушунчалар дарслик муаллифлари томонидан индукция ҳамда дидукция методи ёрдамида ажратиб олиниши ва умумлаштирилиши лозим. Бунда мантикий хулосалар чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Бундай ҳолларда ҳосил бўладиган назарий хулосалар концентризм тамойилининг асосий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Улар блоклар бўйича тақсимланган ўқув материаллари воситасида оидинлаштирилади. Масалан, она тили ўқув предмета бўйича тақдим этиладиган ўқув материаллари ҳамда ҳосил қилинадиган билим, кўникма ва малакаларни бошлангич синфларда 4 блок, 5-9-синфларда 5 блок, яъни концентрга бўлиб тақдим этиш мумкин. Масалан, ўзбек тилининг бутун сўз бойлиги 1-9-синфларда яхлит тизим тарзида 9 та турли концентрга бўлинган ҳолда ўрганилади. Шунингдек, грамматик воситалар ва боғланишли нутқ элементлари ҳам барча синфларда алоҳида-алоҳида концентрлар ёрдамида ўқувчиларга тақдим этилади. 1-4-синф ўқувчиларига 4 та концентр таркибида чиройли ёзув, яъни хуснихатга оид билимлар, кўникма ва малакаларни ўргатиш назарда тутилади. Бу ўз навбатида нуткий кўникмалар ва филологик билимларнинг тизимлилиги, изчиллиги ва мақсадга мувофиқ тарзда шаклланишини таъминлайди. Ўқувчиларда лингвистик билимдонлик ва дунёқараш таркиб топади.

Муайян ўқув материаллари блокида мавжуд бўлган у ёки бу белгилар концентр тарзида навбатдаги блокка ҳам ўтиб, яхлит ўқув модулининг аниқ бир қисмини ҳосил қилади. Бу тамойил асосида танланган ўқув материаллари доирасида илмий тушунчалар, қоидалар, таърифлар бирин-кетин оидинлашади, умумийдан хусусийга ўтиб боради. Чунки таълим мазмуни таркибига ҳар бир ўқув материали ўзининг бошлангич нуктасига эга бўлиб, оддийдан мураккабга томон занжирсимон боғланишга эгадир. Мазкур ўқув материаллари занжирининг ҳар бир бўғинини аниқлаш натижасида ўқувчиларда ҳосил бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ таркиби белгиланади. Ушбу занжир воситасида ўқувчилар тушунчадан тортиб назарий билимларгача бўлган барча ўқув элементларини ўзлаштирадиган ва уларнинг тафаккури таркиб топади. Шу тарзда ўқувчиларда аналитик, яъни таҳлил қилиш кўникмалари шаклланади. Аналитик фикрлаш тўлалигича ўқувчиларни нарса, буюмлар ҳақидаги назарий хулосаларга олиб

келмайди. Чунки аналитик фаолият умумлаштириш жараёнидан ажралиб қолгандир. Назарий фикрлаш эса, умумлаштириш фаолиятига алоқадордир. Ўқувчиларда билимларнинг вужудга келиш жараёни тўлақонли бўлиши учун ҳар бир нарса, буюмнинг келиб чиқиши ҳақида фикрлаш унинг аниқ, динамик таркиби, бу таркибнинг ички элементлари йигиндисини билиш, аниқ тасаввур қилиш муҳимдир. Худди мана шу жараённинг ўзи назарий билимларни концентризм тамойили асосида ўзлаштириш имконини беради.

Ўқув материалларининг таркибий жиҳатдан аниқ боғланишини тасаввур қилиш учун таҳлил ва умумлаштиришга йўналтирилган ўқув жараёни ниҳоятда муҳимдир. Бу жараёнда ўқувчининг фикрлаш фаолияти мавҳумликдан пухта ўйланган аниқ фаолиятга йўналтирилади. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини умумийликдан хусусийликка тизимли тарзда йўналтиришда концентризм тамойили асосида танланган ўқув материаллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқувчи ҳар бир ўқув материали орасидаги фарқни уларни бирин-кетин ўзлаштириш натижасида хис қилади. Концентр характердаги ўқув материаллари эса, бир блокка мансуб бўлган турли билим, тушунча ва тасаввурларнинг яхлит тизимга бирлашганлигини англатади. Чунки яхлит бир концентрга мансуб бўлган ўқув материалларини таҳлил қилиш асосида қисмларга, умумлаштириш натижасида эса, муайян модулга бирлаштириш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ўқувчиларнинг тафаккури изчил шаклланади. Концентр характердаги ўқув материаллари блокида ҳар бир элемент бир-бирини тақозо қилади. Ўқувчи таҳлил натижасида ўзлаштириладиган ҳар бир тушунчанинг ташки жиҳатлари, мазмун-моҳиятини англашга эришади. Умумлаштириш натижасида эса, ўқувчи муайян ҳодисани назарий жиҳатдан идрок этишга муваффақ бўлади, хулосалар чиқаради. Концентризм тамойили асосида танланган ўқув материаллари яхлит бир ҳодисанинг таркибий қисмларини билишга қўмақлашади. Дарслик муаллифлари муайян бир концентрни танлаганда унинг элементлари орасидаги ички алоқадорликни яхши билишлари лозим. Масалан, от сўз туркумига оид ўқув концентрини танлаганда мазкур сўз туркумининг барча хусусиятлари мутахассис томонидан тўлиқ идрок этилиши лозим. Чунончи, отнинг атоқли ҳамда турдош бўлиши, бирлик ва кўпликда қўлланилиши, турланиши каби. Шу билан бир қаторда, концентр

таркибида бирлашган билим ва тушунчаларнинг ўзаро изчиллиги ҳамда узвийлигини билиш ҳам уни мақсадга мувофиқ тарзда танлашда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мавҳумликдан аниқликка қараб бориш асосида ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш учун концентр таркибидаги билимларнинг ўзаро бир-бирини тақозо қилишига алоҳида эътибор қаратилади. Улар орасида ўзига хос алоқадорликни таъминлаш учун билимларнинг субординациясига эътибор қаратилади. Бундай субординацияга эътибор қаратмасдан туриб, концентр таркибидаги ўқув мавзулари ва материалларини мувофиқлаштириш мумкин эмас. Концентр таркибидаги мавзулар ва ўқув материалларини мувофиқлаштириш учун уларнинг бир-бирини тақозо қилиши ва улар орасидаги алоқадорликни аниқлаш талаб этилади. Концентризм тамойилига асосланган ҳолда ўқув материалларини танлашда концентр таркибидаги элементларнинг мавжуд кирраларини таҳлил қилиш зарур. Бунда уларнинг аниқланадиган жиҳатлари ажратиб олинади. Концентр таркибидаги билимларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш унинг таркибини аниқ тасаввур этишга имкон беради.

Бугунги кунда дидактикада ҳам ўқув материалларига нисбатан таркибли, тизимли ёндашувга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таркибли, тизимли ёндашув асосида ўқув материалларини янги моделлари танланмоқда. Бундай моделлар ўз таркибига бир нечта дидактик концентрларни бирлаштиради. Масалан, узбек тилининг лугавий бирликлари, грамматик воситалари, боғланишли нутқ элементлари концентрлари каби.

Бундай дидактик концентрларни турлича таркибда танлаш мумкин. Бу бевосита таълим босқичи, ўқувчиларнинг мавжуд билим даражалари, ўзлаштириш имкониятлари, ўқув предмети мақсади билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Масалан, ўқувчиларда мавжуд бўлган сўз бойликлари, ҳисоблаш кўникмалари, кўргазмали воситаларни идрок этиш даражалари билан боғлиқ ҳолда, лугавий бирликлар, математик масалалар, кўргазмали воситалардан иборат алоҳида-алоҳида концентрларни танлаш мумкин. Уларнинг мазмуни ва таркиби бевосита ДТС талаблари ва ўқув дастурлари билан боғлиқ бўлади. Бироқ энг муҳим нарса шундан иборатки, мазкур моделнинг аниқдовчи белгилари унинг таркиби ўзаро алоқадор бўлган бирликларни ўзида мужассамлаштирган назарий ҳодисалардан иборат бўлиб, мазкур билимлар ўқувчиларнинг

моддий борлиқ манзарасини яққол идрок этишларига кўмаклашади. Бу эса барча ўқув концентрларга хос бўлиши лозим. Бу ўз навбатида, уларни ҳар қандай ўз-ўзича шаклланган ўқув материаллари тизимидан фарқлаш имконини беради. Бу ўринда концентр кенгайтирилган ва ўзаро табақалаштирилган тушунчалар йиғиндисидан моҳиятан фарқ қилади.

Бой ички алоқадорлиги билан намоён бўладиган кенгайтирилган назарий билимлар тизими мавҳумликдан аниқликка қараб ривожланиш жараёнида янги-янги ўхшаш тизимлар қатлами муайян назарий, дидактик асосга эгаллиги билан характерланади. Бу муайян назарий билимлар тизими ёрдамида ойдинлашадиган дидактик ходисадир.

Концентризм тамойилининг тўлиқлиги, мукамаллиги мазкур тамойилга таянилган ҳолда танланган ўқув материалларини ўзлаштириш натижасида ўқувчиларнинг аниқ билимларни эгаллашлари қафолатланиши билан характерланади.

Концентр характердаги ўқув материалларининг белгиланиши ўзаро алоқадор бўлган билим ва тушунчаларнинг ички мантикий боғланиш асосида таркибланиши ва умумлашишига боғлиқ. Чунки ўқув материалларининг ички алоқадорлиги уларнинг келиб чиқиши ва мантикий жиҳатдан ўзаро боғланиши билан изоҳланади.

Концентризм тамойилига асосланиб танланган назарий билимлар тизими ўқувчиларнинг билимдонлик даражаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур билимлар ўқувчиларнинг амалий фаолиятларида, жумладан, тушунчаларни туркумлаштириш, хумклар чиқариш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, хулосалаш, назарий тафаккур шаклларида умумлаштирилади. Бундай шароитда ўқувчиларнинг назарий тафаккури аниқ ҳолатларда намоён бўлади.

Биз куйида билимлар назарий тизими мантикий тузилмаси ҳақида фикр юритамиз.

Дидактик моҳиятга эга бўлган назарий билимлар тизимини концентрларга ажратиш имконияти билан боғлиқ ҳолда, мазкур билимлар ўқув предмети таркибида қандай муносабатга эга эканлиги ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни қай тарзда белгилаш мумкинлигини аниқлаш муаммоси туғилади.

Ўқув предмети таркибидаги билимлар, ахборотлар муайян макон ва замон доирасида барқарордир. Назарий билимларни турли концентрларга бирлаштириш имконияти мавжуд.

Концентр таркибига киритиладиган билимлар тизимини тўғри белгилаш учун авваламбор, мазкур концентрнинг таркибини илмий жиҳатдан асослаш талаб этилмоғида. Структура масаласи тарихий жиҳатдан ҳамisha ҳақиқий маънода ўрганилаётган объект хусусиятларини етарлича тўлиқ ўрганишда кейинги ўринга қўйилган. Структура масаласини ўрганишга улар элементар таркибининг бирдай туюлишига қарамай, билимлар моҳиятининг турли-туманлиги ҳақидаги далиллар уларни концентрларга ажратишда муҳим аҳамиятга эга.

Она тилига оид билимларни ўрганишда кенг қўлланилаётган «структура» (тузилма) тушунчаси концентризм томоибли асосида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да «структура» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Структура (лот. *structura* - тузилиш, боғланиш) - муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бизнинг нуқтаи назаримизда структура тушунчаси ўқув материали элементлари ўртасидаги мавжуд алоқаларнинг хусусиятларини ифодалайди.

Агар назарий билимлар тугал шаклдаги билиш фаолиятининг натижаси сифатида талқин қилинса, у ҳолда, назарий билимлар тизимига қатъий бақор тизим сифатида эътибор қаратиш лозим. Структуранинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб берилган, а) назарий билимларни ифодаловчи ўқув материаллари қисмларини аниқлаш; б) ўқув материаллари элементлари ўртасидаги ўзаро мантикий боғланишларга тавсиф бериш лозим.

Ўқув материалларини структуралаш билан боғлиқ бўлган назариялар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) дидактик бирликларнинг эмпирик манбалари: асосий далиллар, маълумотлар ва ўқув топшириқлари; Масалан, 33-машқ. Ҳикматли сўзларни ўқинг ва ёд олинг;

2) назарий маълумотларни ифодаловчи ўқув материаллари: қоидалар, таърифлар; Масалан, бўғинлар бир унли ва бир ундошдан, ундош + укли + ундошдан иборат бўлиши мумкин.

Масалан: ун, ўт, от, бо-бо, бу-вн, кў-ча, ар-ча, чой -нак, бул-бул, қоп-лон.

Агар сўз бир қаторга сиғмай қолса, бўғинга бўлиб, иккинчи йўлга кўчирилади.

Масалан: ол-тнн, бе-да.

Бир унлдан иборат бўлган бўғин олдинги қаторда қолдирилмайди, кейинги йўлга кўчиришмайди.

Масалан: Са-одат, муо-ма-ла.

Назарий материалларнинг: кетма-кет ифодалаёши; масалан, Сўз бўғинларга бўлинади. Бўғин бир ёкибир неча товушлардан тузилган. Сўзда нечта унли бўлса шунча бўғин бўлади.

Сўзтар бир бўғинли ва кўп бўғинли бўлади. Унли билан тугаган бўғинлар очик бўша, ундош билан сугаган бўғин ёник бўғин дейилади;

3) ўқув материали ёрдамида: ҳосил қилинадиган қўнма ва малакалар; масалан, матн ярата олиш, ифодали ўқиш малакалари каби.

Ўқув материал алрининг мазкур қисмлари концентризм таомийлига асосланган таълим мазмуни яққол тасаввур этиш имконини беради. Концентризм томоибли ўқув материалларининг барча қисмларини органик тарзда бир-бирига боғлаб, назарий билимларини аниқ ифодалашга кўмаклашади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ўқув материалларининг барча қисмлари концентризм таомийлига таянилган ҳолда танланади ва структуралаштирилади.

Мазкур принцип доирасида ўзаро алоқадор тушунчалар ягона бир блокка мужассамлаштирилади. Мазкур ўқув материалларининг асосини келиб чиқиши жиҳатдан бир хил бўлган тил воситалари ташкил этади. Чунки улар бир бутун мантикий функцияга эгадирлар. Ушбу ўқув материаллари айни вақтда муайян нарсалар ва ҳодисаларни тавсифловчи таянч маъноларни ўзида ифодалайди. Масалан: ой, қуёш, тош, гул, дарахт каби. Муайян концентр таркибидаги ўқув материалларини уч қисмга ажратиш мумкин: дақлабки қисмга қоидалар ва таърифлар киритилади, марказий қисм сифатида машқлар ва матнлар тавсифланади, якуловчи қисм эса, таълимий топшириқлар ҳамда саволларни ўз ичига олади. Гап сўзлардан тузилади: Баҳор келди. Кунлар исиди. Боғларда дарахтлар гуллади. Ариқларда сувлар тўлиб окди. Китоб ўқиган бола қандай фазилатларга эга бўлади?, Қишда яна қандай ўйинлар ўйнайсиз?, Грипп қандай болаларга юқади?

Танланган ўқув материаллари ҳам мазмунан, ҳам шаклан концентризм таомийлига мого келишини таъминлаш лозим. Концентризм таомийлига асосланиб, танланган ўқув материаллари

орасида мантикий алоқаларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Улар ўртасида дедуктив алоқалар мавжуд бўлади. Ўқув материаллари орасидаги фикрий алоқадорлик мантикий муносабатларнинг қарор топишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўқув материаллари таркибида фикрий алоқалар дедуктив структура сифатида намоён бўлиб, уларни ягона блокка бирлаштиришга асос бўлади. Ўқув материалларининг ягона концентрларга мансублиги бир нечта параметрлар асосида аниқланади: улар ифодалаган мазмун ва тушунчаларнинг умумийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тоқазо қила олиши даражаси. Ўқув предмети доирасида барча тушунчаларни муайян аниқликни ифодалаш муҳим аҳамиятга эга. Муайян ўқув предметиға оид дидкатик материалларни структуралаштиришда уларнинг бири-бирини тақозо қилишиға алоҳида эътибор қаратиш лозим. Концентризм тамойили дидкатик бирликларни аниқ структуралаштириш имконини беради. Концентр таркибидаги муайян тушунча қай даражада умумий тавсифға эга бўлса, у бошқа кучсизроқ умумийликка эга тушунчалар билан шу қадар кўпроқ алоқадордир.

Ўқув материалларини муайян концентрга жойлашда уларнинг умумийлиги ва ўзига ҳослиги ҳисобға олинади. Умумий тушунчалар сифат жиҳатидан аниқликни, аниқ ходисаларнинг моҳияти ва моддий оламни акс эттиради. Шу билан бир қаторда, улар ўқувчининг тафакқурини пешлайди.

Ўқув материаллари таркибига киритиладиган тушунчалар умумийлик ва хусусийлик характерига эга. Ўқув материаллари таркибига киритилган ҳар қандай тушунча умумийлик характерига эга.

Ўқув материали таркибида тушунчаларнинг аниқ ифодаланиши концентрнинг барча қисмларини тўлиқ акс эттиради. Бу эса концентризм тамойили асосида ўқув материалларини структуралаш учун дидкатик шароит яратади. Мазкур жараёнда куйидагиларға эътибор қаратиш талаб этилади: ўқув материалларини баён этишда уларнинг умумий ва хусусий белгиларини яққол ифодалаш орқали муайян концентрга жамлашға асос бўлади.

Демак, ўқув материаллари таркибини мантикий жиҳатдан таҳдил қилмасдан, уларни ягона концентрга жамлаш мумкин эмас. Бу айниқса, ўқув дастурлари ва дарсликларни яратишда муҳимдир. Концентризм тамойили асосида таълим мазмунини такомиллаш-

тиришнинг дидкатик қоидаларини ишлаб чиқиш орқали унинг алоҳида қисмлари орасидаги дидкатик алоқадорликни назарий жиҳатдан асослаш мумкин.

Шунинг учун ҳам концентр таркибидаги ўқув материаллари орасидаги алоқадорлик куйидагича ифодаланади:

1) ўқув материаллари ва уларнинг қисмлари ўртасида фикрий алоқанинг мавжуд бўлиши;

2) ҳар бир концентр таркибида дидкатик материалларнинг аниқ ва тўлиқ ифодаланиши.

Юқоридагиларға таянган ҳолда, концентризм тамойилиға асосланган ўқув материални структуралаштириш натижасида ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари орасида мантикий алоқадорлик ва изчилликни таъминлаш имконияти кенгайишини асослаш мумкин. Ўқув материалларини баён қилиш ва ўқув вазифаларини қўйишда ҳам концентризм тамойилиға таяниш лозим.

Муайян ўқув фанлари бўйича концентризм тамойили асосида таълим бериш ўқувчиларни ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш ва билимларини изчил тизимға солишда муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан айниқса, она тили таълими алоҳида аҳамият касб этади. Ўқув-билув жараёни самарадорлиги асосан, ўқув предмети мазмунининг таълим мақсадига мувофиқ ҳолда танланганлигиға боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқувчиларға тақдим этиладиган ўқув юқламасини уларнинг эҳтиёж ва имкониятларига мос тарзда белгилаш лозим.

Она тили таълими ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтириши, уларда мушоҳада юритиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда раво баён қила олиш, жамият аъзолари билан эркин мулоқотда бўлиш кўникма ва малакаларини изчил ривожлантиришға хизмат қилиши лозим. Она тили таълим стандарта кўрсаткичлари болани фикрлай олиш, ифодаланган фикрни англаш ва уз фикрини саводли, мантикий изчилликка риоя қилган ҳолда баён этишға ўргатиш нуқтаи назаридан белгиланган. Концентризм тамойилиға асосланган она тили таълими мазмунида ўқувчининг саводхонлик, ёзма нутқ белгиларини талаффузда ифодалаш кўникмалари назарий маълумотлар ва амалий йўналтирилган машғулотлар ёрдамида жадал ривожланади. Ўқувчиларнинг нотаниш сўзлар ва матнларни тушуниш ҳамда идрок этиш имкониятлари кенгайтирилади.

С иифдан-синфга ўтган сари ўқувчига тақдим этиладиган назарий маълумотлар миқдори кўпайтирилиб, ўзлаштирган билимларини амалий машқлар орқали мустаҳкамлашга кўпроқ вақт ажратилади. Уларнинг матнлар мазмунини чуқурроқ англашлари учун қулай дидактик вазиятлар яратилади.

Фикрни ёзма тарзда баён этиш кўникмаси ва малакасини ҳосил қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, концентризм тамойилига асосланган она тили таълимини амалга оширишда бунга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бугунги кунда ўқувчиларнинг ёзма нутқини бошланғич синфлардан бошлаб ўстириш алоҳида долзарблик касб этмокда. Ўқувчилар ўз фикрларини батафсил, муайян мантикий изчилликда баён этиш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун уларда сўз захираси етарлича шакллантирилиши керак. Шу мақсадда концентризм тамойилига асосланган она тили таълими жараёнида ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар синфма-синф шакллантирилиб, мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир:

- фикрни мантикий изчилликда ифодалаш;
- муайян мавзу доирасида синфма-синф кенгайтирилган мураккаб матнлар яратиш;
- муайян мавзуни батафсил тавсифлаш;
- мавзуни тавсифлашда она тилининг ифода имкониятлари ва сўз бойликларидан самарали фойдалана олиш;
- матн яратишда имловий, услубий талабларга риоя қилиш кабилар.

Бошланғич синфларда концентризм тамойилига асосланган она тили таълими ўқувчиларнинг мустақил, танқидий ҳамда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, ўз фикрларини мустақил баён қила олиш, эгаллаган билимларини ўқув фаолиятларида қўллаш ҳамда таълимнинг иккинчи босқичида ўқишни давом эттириш учун зарурий тайёргарлик даражасини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув материаллари ўқувчиларни теvarак-атрофдаги табиат билан таништириш, уларда олам тузилиши ва табиат, жамият ҳодисалари ҳақида бошланғич тасаввур ҳосил қилиши, дастлабки лингвистик дунёқараш куртакларини шакллантириш, она тили га муҳаббат уйғотиш ва фикр баён қилишда унинг имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши назарда тутилади.

Концентризм тамойилига асосланган она тили таълими жараёни ўқувчиларнинг ақлий, лингвистик, маънавий ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган интеграллашган ўқув-билув жараёни сифатида ташкил этилади. Бу жараён ўқувчининг ақлий, лисоний, рухий, маънавий камолотини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим лингвистик билимлар ҳамда нутқий кўникма ва малакалар, ахлоқ-одоб меъёрлари, миллий урф-одатлар, кийиниш меъёрлари, нафосат ва гўзалликни хис эта олиш кўникмаси, олам, моддий борлик, инсоният дунёси ва инсон фаолиятини ранглар ёрдамида тасаввур эта олиш, миллий рух, инсон хис-туйғуларини турли тасвирлар ёрдамида англаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилиши талаб этилади.

Концентризм тамойилига асосланган она тили таълимининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бошланғич синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига қуйидагича талаблар қўйиш мумкин:

- а) ўқувчиларнинг лингвистик билимлари ҳамда нутқий кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган билим, тушунчаларнинг меъёрланган кўрсаткичлари;
- б) лугавий бирликлар ва грамматик билимлар воситасида ўқувчининг мустақил, танқидий, мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган билимларнинг муайян изчилликда меъёрланган кўрсаткичлари;
- в) турли ранглар воситасида ифодаланган ижтимоий ҳамда табиий воқеликнинг узбек тилининг ифода имкониятларидан фойдаланган ҳолда тасвирлашга имкон берадаган билимлар ва амалий кўникмаларнинг аниқ изчилликда меъёрланган кўрсаткичлари;
- г) ўқувчининг ички туйғуларини ифодалаши учун имкон берадиган нутқ бирликларининг меъёрланган кўрсаткичлари.

Ўқувчиларнинг мустақил, танқидий ҳамда мантикий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда она тилининг ифода имкониятларини ўзлаштириш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи ўзининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга у ёки бу тарзда алоқадор бўлади. Бу алоқадорлик натижасида нарса-буюм, воқеа-ҳодисаларнинг номлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини билишга интилади. Ўқувчилар концентризм тамойилига асосланган она тили таълими жараёнида лингвистик билимлар ва тил воситалари билан бир

қаторда, ўзбек халқининг ижтимоий тажрибасини ҳам ўзлаштиришлари керак. Шундагина она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш имкониятлари кенгайтирилади. Чунки она тили дарсларида бадиий ҳамда илмий матнлар ёрдамида ўзбек тилининг ифода имкониятлари, сўз бойлиги, имло ҳамда пунктуацион меъёрлари табиат ҳамда жамият ҳодисалари, кишилар орасидаги ижтимоий муносабатлар, одамларнинг характери, фазилят ҳамда хислатлари, муомала, мулоқот, кийиниш маданияти, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ўзига хос жиҳатларини ўргатиш мақсади назарда тутилади.

Танланган ўқув мавзулари ҳамда унга мое келадиган ўқув материаллари моддий борлиқдаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар, тушунчалар ҳамда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, ўзбек халқининг тарихий ҳамда ижтимоий тажрибаси, жамият ва табиат орасидаги алоқадорликни ўқувчиларга англантиш, ўзбек тилидаги қийин сўз ва ибораларни мазмун ва ифода бирлигида кўргазмалар тарзда изоҳлашга хизмат қилиши керак. Чунки, ўқувчининг сўз бойлигини мунтазам ошириб бориш натижасида, уларда хиссий идрок, нафосатга интилиш, завқ-шавқ, зукколик, юқори даражадаги кўтаринкилик, бадиий ижодга интилиш, мантикий фикрлаш каби таркиб топтиради. Шу билан бир қаторда, матнларни шарҳлаш жараёнида ўқувчилар она тилидаги сўз ва ибораларда ифодаланган нозик маънолар, тилнинг услубий имкониятларини ҳам ўзлаштирадilar.

Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда лингвистик-информацион характердаги матнлар, суҳбат ва ҳикоялар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бундай матнлар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар аниқ, далил ва маълумотлар асосида ҳулоса ва умумлашмалар ҳосил қиладилар.

Таълимий-информацион характердаги матнларда билимлар мантикий жиҳатдан қатъий тарзда баён қилинади. Бадиий тарздаги ҳикояларда эса моддий борлиқдаги нарса, воқеа ҳамда ҳодисалар, ижтимоий муносабатлар образли тарзда ифодаланади. Таълим жараёнида дарё материалларининг ўқувчилар томонидан онгли тарзда ўзлаштирилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Дарё жараёнида кўчма маъноли сўзларнинг асл маъносини англантиш, расмга қараб фикр баён қилишга қаратилган топшириқлар ўқувчининг мустақил фикрлаш, ўз фикрини мантикий изчилликда

она тилининг сўз бойлигидан унумли фойдаланган ҳолда, баён қилишга ўргатиш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Она тили таълими жараёнида миллий ахлоқ ва нафосат тарбиясини амалга ошириш зарурлигини назарда тутган ҳолда, ўқув материалларини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Концентризм тамойилига асосланган она тили таълими мазмуни ҳам бошланғич таълим давлат таълим стандартлари талаблари доирасида белгиланди. Шунга кўра концентризм тамойилига асосланган она тили таълимининг мазмуни концентризм тамойилига таянилган ҳолда белгиланди. Бунда мавзулар муайян мантикий кетма-кетлик асосида ўқувчиларда дастлабки лингвистик билимлар ва нутқ маданияти элементларини шакллантиришга эътибор қаратилди.

Шунингдек, мазкур таълим жараёнининг мақсади I–IV синф ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини ривожлантиришни назарда тутди. I–IV синф ўқувчиларида она тили ва ўқишдан концентризм тамойилига асосланган таълим бериш натижасида белгилаб қўйилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун ўқув юкламасининг максимал миқдори белгиланиши лозим. Бу талаб ўқув топшириқларида ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Концентризм тамойилига асосланган ўқув материаллари яхлитлик, изчиллик, тизимлилик тамойилларига асосланган ҳолда тузилди.

1. Бунда I–IV синф ўқувчиларига тақдим этилади ган концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг тадрижий такомиллашуви таъминланади.

2. Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълимининг мазмуни бошланғич таълим концепцияси ва бошланғич таълим давлат таълим стандартлари талаблари асосида белгилаб берилди.

3. Ўқувчилар она тилининг назарий асослари меъёрлари ва ифода имкониятларини муайян концентрларга асосланган таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб чуқур ўзлаштирилишига эришишлари назарда тутилди.

Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълимини белгилашда асосий эътибор ўқувчиларнинг назарий билимларини ошириш, уларда нутқ маданиятига оид дастлабки кўникмалар ва лингвистик тафаккурни ҳосил қилиш, мустақил, танқидий, мантикий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтиришга қаратилди.

Биз концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълимнинг мазмунини белгилашда ўқувчи шахсининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган психологик асосларга таянган ҳолда, боланинг тилдан фойдаланиш эҳтиёжи ва фикр баён қилиш имкониятлари доирасида ўқув мавзуларини белгилашни тавсия этамиз. Бошланғич синф она тили таълимнинг мазмуни концентризм тамойили асосида қуйидагича белгиланиши мақсадга мувофиқдир:

Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълимнинг дастлабки босқичида ўқувчиларга моддий борлик, атроф-муҳит, табиат ва жамият, ижтимоий-иктисодий соҳа, инсондаги турли ҳис-туйғуларнинг номини ифодалаш билан боғлиқ сўз, тушунча, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўз ва ибораларнинг маънолари, уларнинг маънодош, уядошлари, янги пайдо бўлган ҳамда эскириб қолган, умумхалқ ишлатадиган ва бир неча маъно ифодаладиган турли сўзлар, уларнинг вариантларини ўргатиш асосида сўз бойлиги ва нутқини синфдан-синфга ривожлантириб бориш, узбек тилининг луғат бойлиги ва ундан фойдаланиш доираси ҳақида уларда тасаввур ҳосил қилиш ҳамда она тилининг сўз бойлигини ўқувчиларнинг нутқига сингдириш вазифасини ҳал қилиш кўзда тутилди.

Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг кейинги қисмларида ўқувчиларнинг ўзлари эгаллаган фамматик билимлар ва сўз бойлиги ёрдамида фикр ва ҳис-туйғуларини аниқ, тўғри ифодалай олишлари ҳамда ўзгалар томонидан ифодаланган фикр ва туйғуларни тўғри англашларига эришиш мақсадида она тилидаги грамматик воситаларнинг маъноси ва маънодош вариантлари, ёзилиши, кўлланиш доирасини оддийдан мураккабга тамойили асосида тадрижийликка эришган ҳолда ўргатиб бориш вазифасини ҳал қилиш назарда тутилган.

Учинчи кием инсон нутқида ифодаланган хиссий маънонинг таъсир кучини англаш, оғзаки ва ёзма шаклларда фикр ифодалаш жараёнида нутқнинг худди мана шу имкониятидан фойдаланиш мақсадида она тилидаги ифода воситаларининг услубий хосланиши, услубий имкониятларини тадрижий асосда ўқувчиларнинг нутқига сингдиришга йўналтирилади.

Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълимнинг таркибий қисми бўлган нутқ ўстириш жараёнида эса, она тили ва ўқиш таълими мазмунига илк бор узбек тилининг

стилистик меъёрлари ва уларнинг асосий белгилари, стилистик меъёрларнинг функционал табиати, тил воситаларини танлаш ва қўллаш имкониятлари, меъёрлари, нутқ услублари типологияси, муаммоларини ўзаро узвий алоқадорликда ўқувчиларга ўргатишга қаратилади.

Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг ушбу бўлимида нутқ услубий элементларининг мақсадга мувофиқлиги, стилистик қийматини ўқувчиларга нолингвистик ва лингвистик мезонлар орқали фахмлаш кўникмалари ва малакалари шакллантирилади. Функционал тил меъёрларини ўқувчиларнинг нутқига сингдириш, ўз навбатида матннинг аниқ мантикий мазмунини англаш, мазкур матнни шакллантириш, уюштириш орқали яратиладиган коммуникатив услубнинг социоллингвистик, психоллингвистик асосларидан ўқувчиларни хабардор этиш ҳам назарда тутилади.

Нутқ ўстириш жараёнида сўзларнинг семантик, фамматик ҳамда функционал услубий бириқувчилари орасидаги алоқа, сўзнинг нутқ таркибидаги жонли фаолиятини ўқувчиларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараён доирасида ўқувчиларни ачиқ фикрлаш, тафаккур маҳсулини мақсадга мувофиқ тарзда баён қила олишга ўргатиб бориш назарда тутилади. Концентризм тамойилига асосланган она тили ва ўқиш таълими жараёнида ўқувчининг билиш салоҳияти ва зехнини ривожлантириш, ўз фикрларини она тили ва ўқишнинг кенг имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланган ҳолда баён қилишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсади кўзда тутилди. Худди шу мақсадни амалга ошириш учун ўқувчиларга босқичма-босқич боғланишли нутқ элементларини ўргатиш, уларни турли шакл, мазмун ва характердаги матнларни яратишга одатлантириш вазифаси ҳам қўйилмоқда. Шу билан бир қаторда, она тили ва ўқишдан концентризм тамойилига асосланган таълим бериш жараёнида жамият аъзолари билан мулоқотга киришишнинг лингвистик меъёрлари, тил ва нутқнинг жамият ҳамда шахе учун аҳамияти, тилга ҳурмат, унинг бойлиги, софлиги учун кураш туйғуси, тиллараро алоқа ва бу алоқанинг самаралари, тил ва ёзув тарихи, тил ва ёзувнинг таракқиёт босқичлари ҳақидаги энг муҳим билим ва тушунчалар билан ўқувчилар курулантириладилар.

Она тили ва ўқиш дареларида мунтазам тарзда шарҳлаб ўқиш, бир-бирларининг ишларини текшириб баҳолаш, ўзгалар фикри ва

матн мазмунини англаш кўникмаларини таркиб топтириш вазифаси кўйилади.

Концентризм тамойилига асосланган таълим мазмунини эгаллаш натижасида ўқувчиларда куйидаги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш назарда тутилади:

1. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар: ҳозирги узбек адабий тили ва унинг таракқиёт босқичлари, узбек тилининг сўз бойлиги, сўзларнинг маъно таркиби, маънодош ва қарама-қарши маъноли, предмет номини ифодаловчи, янги пайдо бўлган, уядош, предмет белгисининг номини ифодаловчи сўзлар ва уларнинг ясалиши, узбек тилининг грамматик воситалар, предмет номини ифодаловчи ; предмет номини ифодаловчи сўзларда эгалик маъноси, келишик шакллари, матннинг асосий белгилари, кичик баён ҳақида билим ва тушунчага эга бўлишлари.

Ўзбек адабий тилининг бошқа тиллар билан алоқаси, ҳаракат ва товушга таклидни ифодаловчи сўзлар, уядош сўзлар, касб-хунарга оид сўзлар, узбек тилидаги пароним сўзлар, узбек тилининг имло лугати ҳақида, сўзга қўшилиб қўшимча грамматик маънолар юқловчи воситалар, боғловчи воситалар, хатбоши.

Миллий ўзбек ёзуви, унинг шаклланиши ва таракқиёт босқичлари, шаклан бир хил бўлган сўзлар, умумистеъмолдаги сўзлар ва атамалар, ўзбек тилидаги сўзларнинг ясалиши, предмет белгисининг номини ифодаловчи сўзларнинг маъносига кўра турлари, предмет номини ифодаловчи сўзларга кўшилиб, кичрайтириш, эркалалаш, хурмат, қарашлилиқ, ўрин белгиси, чегара, ўхшатиш маъноларини ифодаловчи грамматик воситалар, предмет белгисининг даражасини ифодаловчи воситалар, предметнинг сон-саногини ифодаловчи сўзлар, иншо, иншо мавзулари, иншо ёки баён учун тўпланган материалнинг маълум бир изчилликда берилиши, ёзма фикрни хулосалаш.

2. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малакалар: сўзларни луғавий таҳлил қила олиш, сўзларни маъноли қисмларга ажратиш, маънодош, қарама-қарши маъноли, уядош сўзларни фарқлай олиш, маънодош, уядош, қарама-қарши маъноли сўзлар қаторини ҳосил қилиш, улар иштирокида оғзаки ва ёзма матн яратиш, маънодош, қарама-қарши маъноли сўзлар луғати билан ишлаш, матндан предмет белгисининг номини ифодаловчи сўзларни ажратиш, уларнинг маъноларини изоҳлаш, янги сўзларнинг пайдо бўлиш сабабларини асослаш, янги пайдо бўлган

сўзларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изоҳлаш, улар иштирокида матн яратиш, маънодош сўзларни ясовчи қўшимчаларни ажратиш, улар ёрдамида сўз ясаш, қарама-қарши маъноли сўзларни ҳосил қилувчи қўшимчаларни ажратиш, улар ёрдамида сўз ясаш, сўз таркибидан сўз ясовчи қўшимчаларни ажратиш, уларнинг маъносини изоҳлаш, сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилиш, матндан кўплик маъносига ифодаланган предмет номларини ажратиш, кўплик маъносини ифодаловчи грамматик воситани фарқлаш, бирлик шаклидаги предмет номларини кўплик шаклида ифодалаш, эгалик маъносини ифодаловчи воситаларни ажратиш ва уларнинг шахсини аниқлаш, эгалик маъносини ифодаловчи грамматик воситаларнинг имлосига риоя қилиш, сўзларни эгалик маъносини ифодаловчи восита билан бирлик ва кўплик шаклларида турлаб ёзиш, келишиклар билан турланган сўзларни ажратиш, уларнинг қайси келишикда ифодаланганлигини изоҳлаш, келишик қўшимчаларининг маъносини изоҳлаш, сўзларни келишик қўшимчалари билан турлаш, уларнинг имлосига риоя қилиш, матнларни таркибий қисмларга ажратиш, матнларнинг мавзусини аниқлаш, баёнларнинг ўзига хос белгиларини ажратиш, турли мавзуларда кичик баёнлар ёзиш, баённи таркибий қисмларга ажратиш, баён режасини тузиш.

Матндан ҳаракатга таклидни ифодаловчи сўзларни ажратиш ва уларнинг маъноларини англаш, ҳаракатга таклидни ифодаловчи сўзларни тўплаш, ҳаракатга таклидни ифодаловчи сўзлар ёрдамида матн яратиш, ҳаракатга таклидни ифодаловчи сўзларнинг ёзилиши ва ясалиши, матндан товушга таклидни ифодаловчи сўзларни ажратиш, уларнинг маъноларини ва ясалишини изоҳлаш, товушга таклидни ифодаловчи сўзларни тўплаш, товушга таклидни ифодаловчи сўзлар ёрдамида матн яратиш, товушга таклидни ифодаловчи сўзлар имлоси, матндан уядош сўзларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изоҳлаш, ўсимлик, дарахт, уй хайвонлари, кушлар, уй-рўзғор буюмлари сирасига кирувчи уядош сўзларни тўплаш ва таснифлаш, уядош сўзлар ёрдамида матн яратиш, матндан уядош сўзлар ҳамда ўзаро маънодош сўзларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиш, сўзларнинг уядошларини ва маънодошларини топиб, уядош ҳамда маънодош сўзлар қаторини ҳосил қилиш, маънодош сўзлар устида ишлаш, маънодош сўзлар луғати билан ишлаш, маънодош сўзлар қаторидан иборат луғат тузиш, касб-хунарга оид сўзларни ажратиш ва уларнинг

маъноларини изохлаш, касб-хунарга оид сўзлар ёрдамида кичик матнлар яратиш, диктант ёзиш, касб-хунарга оид сўзларни ҳосил қилувчи қўшимчаларни ажратиш, қўшимчалар ёрдамида касб-хунарга тегишли сўзларни ҳосил қилиш, матнлардан шевага хос сўзларни уларнинг адабий тилдаги вариантлари билан алмаштириб ёзиш, ўқувчиларнинг нутқидаги шевага хос сўз ва иборалар ўрнида уларнинг адабий тилдаги вариантларини қўллаш, матндан пароним сўзларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изохлаш, пароним сўзлар иштирокида матн яратиш, имло лугат билан ишлаш, узбек тилининг имло лугатидан пароним сўзларни топиб ёзиш, пароним сўзларни тўплаш, матнлардан сўзларга қўшимча грамматик маъно юкловчи воситаларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изохлаш, сўзга қўшимча грамматик маъно юкловчи воситаларнинг имлоси, сўзга қўшимча маъно юкловчи грамматик воситалардан фойдаланган ҳолда, гап тузиш, сўзга қўшимча грамматик маъно юкловчи воситаларни тушириб қолдирган ҳолда, матн мазмунини сақлаб қолиб қайта ёзиш, сўзлар ва матн таркибидаги гапларни ўзаро боғловчи воситаларни ажратиш, матндан сўз ва гапларни ўзаро боғловчи воситаларнинг қандай тартибда боғланганлигини изохлаш, боғловчи воситаларни уларнинг турига кўра гуруҳлаш, боғловчи воситаларнинг имлоси, боғловчи воситалар иштирокида матн яратиш, баён учун тўпланган материалларнинг изчиллигини ўрганиш, аниқ бир мавзу асосида баён ёзиш, ўқувчиларга ёзилган баёндаги асосий, зарур фикрни топа олишни ўргатиш, матнларни хатбошиларга ажратиб ёзиш, хатбошиларга риоя қилган ҳолда, ўз фикрларини ифодалаш, хат, хабарлар, тушунтириш хати, кичик мақолалар ёзиш, ёзма ишларни ўзаро таҳдил қилиш.

Шаклан бир хил бўлган сўзларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изохлаш, шаклан бир хил бўлган сўзларни тўплаш ва қўллаш, «Узбек тилининг изоҳли лугати» билан ишлаш, «Узбек тилининг изоҳди лугати»дан шаклдош сўзларни ажратиш, изоҳдари билан ёзиш, шаклан бир хил бўлган сўзлар ёрдамида матн яратиш, берилган матнни ўқиб атамаларни ажратиш ва уларни қайси соҳага алоқадор эканлигини изохлаш, ўқув предметлари (математика, она тили, ўқиш, мусиқа, меҳнат, раем ва хоказолар)га хос бўлган атамаларни тўплаш, атамалар ёрдамида матн тузиш, берилган сўзларни таркибий қисмларга ажратиш, уларни ҳосил қилувчи қўшимчаларни ҳамда шу қўшимчалар ёрдамида сўзларнинг ясаилишини изохлаш, сўз ясовчи қўшимчалар имлоси, сўз ясовчи

қўшимчалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилиш, берилган матндан предмет белгисининг номини ифодаловчи сўзларни топиб, уларнинг маъноларини изохлаш, предметнинг сон-саногии ва микдорини ифодаловчи сўзларнинг имлоси, предметнинг сон-саногии ва микдорини ифодаловчи сўзлар ёрдамида матн яратиш, кичрайтириш маъносини ифодаловчи воситалардан фойдаланиб, матн яратиш, кичрайтириш маъносини ифодаловчи воситаларнинг имлоси, берилган матнни ўқиб, ҳурмат маъносида қўлланган сўзларни ажратиш ва ҳурмат маъносини ифодаловчи воситани изохлаш, ҳурмат маъносини ифодалаган қўшимчалар иштирок этган сўзлар ёрдамида матн яратиш, берилган матнларни ўқиб, ўрин белгисини ифодаловчи воситаларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изохлаш, ўрин белгисини ифодаловчи воситаларни қўллаб, матн яратиш, ўрин белгисини ифодаловчи грамматик воситаларни қабул қилган предмет номларининг имлоси, берилган матнларни ўқиб, қарашлилиқ, чегара ва ўхшатиш маъносини ифодаловчи тил воситаларини ажратиш, қарашлилиқ, чегара, ўхшатиш маъноларини ифодаловчи воситалардан фойдаланган ҳолда матн яратиш, қарашлилиқ, чегара, ўхшатиш маъноларини ифодаловчи воситалар имлоси, берилган матнларни ўқиб, предмет белгисининг даражасини ифодаловчи воситаларни ажратиш ва уларнинг маъносини изохлаш, предмет белгисининг даражасини ифодаловчи воситаларнинг имлоси, предмет белгисининг даражасини изоҳловчи воситалардан фойдаланган ҳолда матн тузиш, берилган матнларни ўқиб, предметнинг сон-саногии ва микдорини ифодаловчи сўзларни ажратиш, уларнинг маъноларини изохлаш, предметнинг сон-саногии ва микдорини ифодаловчи сўзларни ҳосил қилувчи воситаларни ажратиш, предметнинг сон-саногии ва микдорини ифодаловчи сўзларнинг имлоси, предметнинг сон-саногии ва микдорини билдирувчи сўзларнинг турли маъноларидан фойдаланган ҳолда, матн тузиш, мавзуга оид диктант ёзиш, иншонинг ўзига хос белгиларини изохлаш, берилган матнни ўқиб, ундан иншонинг бирор турига хос белгиларни ажратиш изохлаш, иншо мавзуси асосида унинг режасини тузиш, режа асосида кичик иншолар ёзиш, берилган матнларни ўқиб, уларнинг хулоса қисмини ажратиш, муаллифнинг фикри хулосаланган матнлар яратиш, деворий газета учун мақола ва хабар ёзиш.

Таълим чуқурлаштирилган мактаблар 2-синф ўқувчиларининг нутқ ўстириш бўйича билим, кўникма ва малакалари

1. Ўқувчилар билишлари керак: нутқ маданияти, нутқнинг турлари, адабий нутқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шевага хос сўзларнинг услубий имкониятлари, янги пайдо бўлган сўзлар, предмет белгисининг номини ифодаловчи сўзлар.

1. Ўзбек адабий тилининг услубий имкониятлари, ўзбек тилининг сўз бойлиги ва унинг нутқни ривожлантиришдаги имкониятлари, иншо турлари, атамаларнинг услубий имкониятлари, матн ва иншонинг ўзаро фарқи, ни билиш, касб-хунарга оид сўзларнинг услубий имкониятлари, ўзбек тилидаги пароним сўзларнинг услубий имкониятлари.

2. Шаклан бир хил сўзлар, атамалар, предмет номини ифодаловчи сўзлар, ҳурмат маъносини билдирган сўзларнинг услубий имкониятлари.

2. Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган кўникма ва малакалар: кичик матнлар тузиб, уларнинг турлари ва таркибий қисмларини изоҳдаш, турли мавзуларда матн яратиш, манзара тасвири асосида матн яратиш, хат, хабар, табрикнома ёзиш, ёзма ишларни ўзаро текшириш ва хатоларни изоҳлаш, матндан шевага хос сўзларни ажратиш ва маъноларини изоҳдаш, шевага хос сўзларнинг адабий тилдаги вариантини ўз нутқида қўллаш олиш, янги пайдо бўлган сўзларни қуллаган ҳолда матн яратиш, берилган матндан янги пайдо бўлган сўзларни ажратиш ва уларнинг маъноларини изоҳдаш, янги пайдо бўлган сўзлар иштирокида матн яратиш, уй ҳайвонларининг номини ифодаловчи сўзлар иштирокида матн тузиш, мева-сабзавотларнинг номини ифодаловчи сўзлар иштирокида матн тузиш, ўқув қуроллари ҳамда уй жиҳозлари номини ифодаловчи сўзлар иштирокида матн тузиш, дарахт ва ўсимлик номини ифодаловчи сўзлар иштирокида матн тузиш, предмет белгисининг номини ифодаловчи сўзлар иштирокида матн тузиш.

1. Ҳаракатга тақлидни ифодаловчи сўзлар ёрдамида матн яратиш ва ушбу матнларни ўзаро таҳлил қилиш, товушга тақлидни ифодаловчи сўзлар ёрдамида матн яратиш ва ушбу матнларни ўзаро таҳлил қилиш, ижодий матн яратиш, эркин мавзуларда иншо ёзиш, атамалар иштирокида кичик мақола ёзиш, касб-хунарга оид сўзлар иштирокида «Менинг орзуим» мавзусида ижодий матн яратиш, пароним сўзлардан фойдаланиб, кичик иншо ёзиш, узбек тилининг

и милолати ёрдамида «Кундалик фойдаланадиган сўзларим» мавзусида лугат тузиш.

2. Шаклан бир хил бўлган сўзларнинг шеърятдаги ахамиятини билиш ва бундай сўзлар иштирок этган шеърларни таҳдил қилиш, берилган шеъринг парчадан шаклан бир хил бўлган сўзларни топиб, уларнинг маъноларини изоҳлаш, бир мавзуга оид сўзларни тўплаб, уларнинг изоҳли лугатини тузиш, атамалар иштирокида кичик илмий мақолалар ёзиш, предмет номини ифодаловчи сўзларга қўшилиб кичрайтириш, эркалаш, ҳурмат, қарашлилик, ўрин белгиси, чегара, ўхшатиш, маъноларини ифодаловчи сўзларнинг услубий имкониятларидан фойдаланиш, ҳурмат маъносини билдирган сўзларнинг услубий имкониятларидан фойдаланиб матн яратиш, предметнинг сон-саногини ифодаловчи сўзлар ёрдамида кичик матн ёки масалалар тузиш, илмий мазуда иншолар ёзиш, фикр қатъий ҳулосаланган матнлар яратиш, деворий газета учун кичик илмий мақола ёзиш.

ХУЛОСА

Концентризм тамойилини муайян билим тушунчалар компонентидан унинг яхлит тизимига тадрижий асосда бориш сифатида тушуниш лозим. Шу тариқа аниқ бир ўқув фани таркибида ўқувчига тақдим этиладиган билим ва тушунчалар яхлит модул сифатида тизимлаштирилади. Дидактикада бу ҳодисани таълим мазмунини яхлит модул сифатида спиралсимон тизим тарзида тақдим этиш сифатида тушуниш лозим. Бу тизимнинг аниқ параметри сифатида таълим мазмунининг кичик қисмларидан, унинг яхлит тизимини таркиб топтириш назарда тутилади.

Тор дидактик маънода эса, концентризм тамойили мураккаб даражада шакллантирилган ўқув юқламалари тизими сифатида тушунилади. Тула маънода эса, мазкур тамойил таълим мазмунини аниқ блоклар кўринишида тўлиқ шакллантирувчи дидактик ҳодисадир. Мазкур дидактик тамойилга хос бўлган жиҳатлар ўзининг аниқ дидактик тавсифини қутмоқда:

1. Ўқувчини ҳар томонлама ақлий, маънавий ҳамда жисмоний ривожлантиришда ўқув материаллари алоҳида аҳамиятга эга.

2. Ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларини изчил тизимга солиш, мақсадга мувофиқ ҳолда танлаш таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

3. Дидактика соҳасидаги мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ўқув материалларини концентризм тамойили асосида танлашдир.

4. Концентризм тамойили ўқув материалларини мақсадга мувофиқ ҳолда танлаш, муайян блокларга ажратиш ва тизимлаштириш ҳамда қулай воситалар ёрдамида ўқувчига тақдим этиш учун катта дидактик имкониятларга эга.

5. Концентризм тамойили асосида танланган ўқув материаллари ўқувчиларнинг билимларини изчил тизимга солиш, уларни мантикий фикрлашга ўргатиш, фикрий кетма-кетликни таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди.

6. Мавжуд дастурлар, дарсликларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бошлангич синф она тили, ўқиш дастурлари ва дарсликларида танланган ўқув материалларида изчиллик, муайян блокларга бирлаштириш, тизимлиликни таъминлашга етарлича эътибор берилмаган. Шунинг учун ҳам бошлангич синф она тили

ва ўқиш дарсликларида тақдим этиладиган ўқув материалларини концентризм тамойили асосида танлаш ва структуралаштириш ўқув-билув жараёнида муайян самарадорликка эришиш имконини

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмае куч. - Т.: «Маънавият», 2008. - 176 б.
2. Каримов И.А. Узбекистан ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 686 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: «Шарқ» нашриёти- матбаа концерни бош тахририяти, 1999.-181 б.
4. Каримов И.А. Соғлом авлод бизнинг келажагимиз.Т.: Абу Али Ибн Сино, 2000. Б-9.
5. Каримов И.А. Узбекистан буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 686 б.
6. Каримов И.А. Узбекистан XXI асрга интилмоқда. - Т.: «Узбекистан», 1999. - 48 б.
7. Узбекистан Республикаси Конституцияси. - Т.: «Узбекистан», 1992. - 46 б.
8. Положение о содержании государственных образовательных стандартов Республики Узбекистан и порядке их разработки, утверждения и введения // Собр. постановлений Правительства Республики Узбекистан. - Т.: 1993. - № 8,- С. 35-36.
9. Узбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод - Узбекистан тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997., - Б. 20-29.
10. Узбекистан Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». // Баркамол авлод - Узбекистан тараққиётининг пойдевори. -Т., 1997. - Б.31-60.
11. Узбекистан Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони / Маърифат. 2004 йил 22 май.
12. Узбекистан Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 1993 йил 28 декабрь / Халқ сўзи. - 1994,28 январь.
13. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори // Таълим тараққиёти. 1-махсус сон. - Т.: «Шарқ», 1999.
14. Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги

Қарори // Таълим тараққиёти, 1-сон. - Т.: «Шарқ» НМК. 1998. - Б. 31-32.

15. Абдукаримов Х. Изучение способных детей в процессе непрерывного педагогического образование /Бошлангич таълим. 1997.-№ 1.-С .24-25
16. Абдуллаева Қ., Сафарова Р., Бикбоева Н. Бошлангич таълим концепцияси // Бошлангич таълим, 6-сон. -Т., 1998. - Б.2-9.
17. Абдуллаева Қ., Сафарова Р. ва б. Бошлангич таълим давлат таълим стандарта // Бошлангич таълими, 6-сон. -Т., - 1998. - Б. 9-6.
18. Абдуллаева Қ., Шукурова Р., Раҳмонбекова Н. 1-синф учун «Она тили» дарслиги. 5-нашри. -Т.: «Ўқитувчи». 2001. -96 б.
19. Абдуллаева Қ., Юсупов М., Махмудова М., Раҳмонбекова С. 2-синф учун «Ўқиш» китоби. -Т.: «Ўқитувчи». 2004. - 173 б.
20. Абдуллаева Қ., Юсупова М., Раҳмонбекова С. 2-синф учун «Одобнома». -Т., 2002. -82 б.
21. Адизов Б.Р. Бошлангич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2002.-276 б.
22. Акимова М.К., Козлова В.Т. Индивидуальность учащегося и индивидуальный подход.-М.: «Знание», 1992.-80 с.
23. Активизация познавательной деятельности младших школьников.-Минск: Нар.асвета. 1987.-111 с.
24. Алексеев П.В., Панин А.В. Теория познания и диалектика. - М: Высшая школа, 1991. - 382 с.
25. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. Инновационный курс. - Казань: Изд-во КГУ, 1996. - 566 с.
26. Аржанникова О.В., Крутский А.Н., Кузнецова Г.Н. Системно-структурный подход к усвоению знаний. / Психодидактика: Сборник избранных материалов первой Всероссийской научно-практической конференции «Психодидактика высшего и среднего образования». - Барнаул: Изд-во ГПУ, 1997.-С. 70-74.
27. Бекмуратов А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари (Бошлангич таълим мисолида). Пед. фан. номзодлик дис... автореферати. -Т., 2002, -20 б.
28. Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. М: «Педагогика», 1988. - 160 с.

29. Бецужев-Лада И.В. Нормативное социальное прогнозирование: возможные пути реализации целей общества: Опыт систематизации.- М.: «Наука», 1987.-212 с.

30. Взаимодействие наук: теоретические и практические аспекты. - М.: «Наука», 1984. - 320 с.

31. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления: логико-гносеологический анализ. - М.: Изд-во Московского университета, 1989.-239 с.

32. Выготский Л.С. Педагогическая психология. Под ред. В.В. Давыдова. М.: «Педагогика», 1991. 480 с.

33. Габай Т.В. Учебная деятельность и ее средства. -М.: Изд-во МГУ, 1988.-254 с.

34. Гершунский Б.С. Прогнозирование развития образования: проблемы и перспективы // Образование в современном мире: состояние и тенденции развития / Под ред. М.И. Кондакова.-М.: «Педагогика», 1986.-С.201-227.

35. Гершунский Б.С. Россия: образование и будущее. Кризис образования в России на пороге XXI века. -Челябинск: ЧГПШ, 1993.-240 с.

36. Гершунский Б.С. Образовательно-педагогическая прогнозистика. -М.: Филинта наука, 2003.-762 б.

37. Гильбух Ю.З. Психодиагностика в школе. -М.: «Знание», 1989.-64 с.

38. Горская Г.И., Чуракова Р.Г. Мактабда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашридан таржима. - Т.: «Ўқитувчи», 1990.-216 б.

39. Границкая А.С. Научить думать и действовать: Адаптивная система обучения в школе. - М.: «Просвещение», 1991.- 172 с.

40. Григорянц А.Г. Атрофимиздаги олам. 1-синф. -Т.: «Чўлпон». 2004. -79 б.

41. Григорянц А.Г. Атрофимиздаги олам. 2-синф. -Т.: «Чўлпон». 2004. -86 б.

42. Григорянц А.Г., Белская Ю.М., Абдуллаева Т. Атрофимиздаги олам. 3-синф. -Т.: Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2004. -87 б.

43. Григорянц А.Г., Белская Ю.М., Мирзаахмедова Ш. Атрофимиздаги олам. 4-синф. -Т.: «Чўлпон». 2003. -87 б.

44. Громова М.Т. Технология образовательных процессов. М.: «Педагогика», 1992.-106 с.

45. Давлетшин М.Г. Бошланғич таълим психологик омиллари. /Халқ таълим тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари. -Т., ТДПУ. 1996.-132-134 б.

46. Давыдов В.В. Психологическое развитие шестидесятилетних школьников.-М.: «Педагогика», 1990.-258 с.

47. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения: Опыт теоретического и экспериментального психологического исследования. М.: «Педагогика», 1986. - 240 с.

48. Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. - М.: ИНТОР, 1996.-544 с.

49. Джумадурдыев С. Восхождение от абстрактного к конкретному как метод развития теоретического знания // Вопросы философии. 1985. № 7.

50. Дьяченко В.К. Организационная структура учебного процесса и ее развитие. -М.: «Педагогика», 1989. - 159 с.

51. Жарова Л.В. Учить самостоятельности. - М.: «Просвещение», 1993. - 205 с.

52. Жўраев Р.Х., Сафарова Р.Г., Ибрагимов Х.И., Мусаев У.Қ. Педагогика фани концепцияси //Халқ таълими, 5-сон.-Т., - 2004. - Б. 8-33.

53. Загвязинский В.И. Педагогическое предвидение. -М.: «Знание», 1987.-80 с.

54. Зак А.З. Развитие теоретического мышления у младших школьников. - М.: «Педагогика», 1984. - 152 с.

55. Занков Л.В. Избранные педагогические труды / АПН СССР. - М.: «Педагогика», 1990.-418, [6] с.

56. Занков Л.В. Дидактика и жизнь. -М.: «Просвещение». 1994.-420 с.

57. Занков Л.В. Обучение и развитие. -М.: «Наука», 1998.- 149 с.

58. Зорина Л.Я. О дидактических условиях стабильности учебников естественного цикла // Проблемы школьного учебника. Вып. 12. (О специфике учебников математики, физики, астрономии, черчения и трудового обучения). - М.: «Просвещение», 1983. - С. 6-14.

59. Зуев Д.Д. Школьный учебник. - М.: «Просвещение», 1983. - 240 с.

60. Иванов И.П. Энциклопедия коллективных творческих дел. - М., 1989.- 258 с.

61. Икрамова Р., Азизова А., Йўлдошева Ш. 4-синф учун «Она тили» дарслиги. 5-нашри. -Т.: «Ўқитувчи», 2002. -224 б.

62. Йўлдошев Ж./ Таълим янгиланиш йўлида. -Т.: «Ўқитувчи», 2000.-207 б.

63. Йўлдошев Ж./ Таълимимиз истиклоли йўлида-Т.: «Шарк», 1996.-224 б.

64. Карпович В.Н. Системность теоретического знания. Логический аспект. - Новосибирск: «Наука», 1984. - 125 с.

65. Клинберг Л. Проблемы теории обучения. - М.: «Педагогика», 1984. - 256 с.

66. Колесников Л.Ф. Школа: время перемен. -М.: «Педагогика», 1987.-143 с.

67. Концепция проекта «Перспективная начальная школа» (начальная школа индивидуального общего развития личности). - М.:Изд-во. «Академкнига / Учебник». 2000. - 9 с.

68. Крутский А.Н. Психодидактика. Теоретические основы психодидактики. Проблемное обучение (На материале физики средней школы): Учеб. Пособие. - Барнаул: Изд-во БГПУ, 1994. - 72 с.

69. Крутский А.Н., Крутская Е.А., Кузнецова Т.Н. Системно-функциональный подход к усвоению знаний. / Психодидактика: Сборник избранных материалов первой Всероссийской научно-практической конференции «Психодидактика высшего и среднего образования». - Барнаул: Изд-во БГПУ, 1997. - С. 63-70.

70. Крутский А.Н., Нецеренко В.А., Филонова М.А. Дискретный подход к усвоению знаний. / Психодидактика: Сборник избранных материалов первой Всероссийской научно-практической конференции «Психодидактика высшего и среднего образования». - Барнаул: Изд-во БГПУ, 1997. - С. 60-63.

71. Крутский А.Н., Поскотинова О.Н., Шаповалов А.А. Системно-логический подход к усвоению знаний. / Психодидактика: Сборник избранных материалов первой Всероссийской научно-практической конференции «Психодидактика высшего и среднего образования». - Барнаул: Изд-во БГПУ, 1997. - С. 77-82.

72. Лебедев С.А. Индукция как метод научного познания. - М.: Изд-во Московского университета, 1980. - 192 с.

73. Левенбер Л.Ш., Ибрагимов Р. Активизация познавательной деятельности младшего школьника: На материале мат-ки. - Т.: «Фан», 1991.-165 с.

74. Лернер И.Я. Новое педагогическое мышление /Под ред. А.В.Петровского.-М.: «Педагогика», 1989.-280 с.

75. Лернер И.Я. Развивающее обучение с дидактических позиции //Педагогика.-1996.-№2.-С 7-11.

76. Maqulova B., Matjon S. Kitobim-oftobim. 2-sinf. -Т.: «Oqituvchi». 2001. -142 б.

77. Махмутов М.И. Современный урок. - М.: «Просвещение», 1985.-184 с.

78. Методы обучения в современной школе / Под ред. Н.И. Кудряшева. - М.: «Просвещение», 1983. - 192 с.

79. Мусаев У. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2004. - 130 б.

80. Назарова Х.П. Бошлангич синф ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини таъминлашнинг дидактик асослари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 1999.-245 б.

81. Национальная доктрина образования в Российской Федерации до 2025 года. // Вестник Образования России. - 2002. - № 6. - С. 10.

82. Нурминский И.И, Гладышева Н.К. Статистические закономерности формирования знаний и умений учащихся. - М.: «Педагогика». 1991.-221 с.

83. О Концепции модернизации российского образования на период до 2010 года (приказ от 11.02.02 № 393) // Вестник Образования России. - 2002. - № 6. - С. 10-40.

84. Образование в мире на пороге XXI века. - М.: АПН, 1991.-97 с.

85. Особенности обучения и психического развития школьников 13-17 лет. - М.: «Педагогика», 1988.-190 с.

86. Подласый И.П. Педагогика: Учеб. Пособие для пед. высших пед. учеб. заведений. М.: «Просвещение»: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996.-432 с.

87. Полат Е.С. Метод проектов: типология и структура / Лицейское и гимназическое образование.2002, № 9.-С.9-17.

88. Психологические основы формирования личности в педагогическом процессе / Под ред. А. Коссаковски и др. - М.: «Педагогика», 1981. - 224 с.

89. Розиков О., Огаев С. Таълим технологияси. -Т., 1999. -71 б.
90. Розиков О.Р, Огаев С.Ю., Махмудова М.М., Адизов Б.Р. Дидактика.- Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 1997.- 256 б.
91. Сафарова Р.Ф. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида она тили таълими назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док. дис... Т., 1998.-255 б.
92. Сафарова Р.Ф. Шахсни шакллантириш омиллари // Таълим тараккиёти ахборотномаси. - Т., 2001. - № 3-4.
93. Сафарова Р.Ф. Ўқув дастурларининг интеграцияси ва методик йўналишлари соҳасида мавжуд бўлган нуқтаи назарлар / ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишлар, ечимлар /Семинар материаллари. ХТВнинг илмий маколалар тўплами. - Т., 2002.-Б. 27-29.
94. Сафарова Р., Рихсиева М. Умумий ўрта таълим мактаблари дарсликларининг янги авлодига қўйиладиган талаблар / Методик қўлланма. Т.: ЎзПФТИ, 2001.- 28 бет.
95. Сафарова Р., Иноятова М. ва б. 1-синф учун «Алифбе» дарслиги. -Т.: «Маънавият», 2003, 2004, 2005,2006, 2007, 2008, 2009,2010.- 80 б.
96. Сафарова Р., Шермаматова Л. Педагогиканинг тараккиёт йўли: истикболи ва муаммолари // Халқ таълими, 2002. - №2.
97. Сафарова Р., Мусаев У.ва бошқалар. Умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асослари /Монография. Т.: «Фан», 2005. - 135 б.
98. Сафарова Р.Ф., Мусаев У., Мусаев П. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари /Монография. Т.: «Фан», 2005, - 255 б.
99. Совершенствование содержания образования в школе. - М.: «Педагогика», 1985.-272 с.
100. Стоуне Э. Психопедагогика. - Психологическая теория и практика обучения. - М.: «Педагогика», 1984. - 472 с.
101. Тальзина Н.Ф. Педагогическая психология. - М.: Издательский центр «Академия», 1999. -288 с.
102. Уман А.И. О структурировании знаний и организации заданий в учебном материале. // Проблемы школьного учебника. Вып. 12. (О специфике учебников математики, физики, астро-

- номии, черчения и трудового обучения). - М.: «Просвещение», 1983.-С. 15-28.
103. Умарова М., Ҳакимова Ш. 3-синф учун «Ўқиш» китоби, 7-нашри.-Т., 2003. -238 б.
104. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарта ва ўқув дастури. Бошланғич таълим // Таълим тараккиёти. 34-махсус сон. - Т.: «Шарқ» НМК, 1999. - Б. 480.
105. Усиление практической направленности обучения младших школьников как средство преодоления формализма в учебно-воспитательной работе. -Л.: ЛГПИ, 1990. - 159 с.
106. Усова А.В. Психолого-дидактические основы формирования у учащихся научных понятий: Учебное пособие к спецкурсу. - Челябинск: ЧГПИ, 1986. - 88 с.
107. Усова А.В. Формирование у школьников научных понятий в процессе обучения. - М.: «Педагогика», 1986. - 176 с.
108. Усова А.В., Беликов В.А. Как овладеть рациональными умениями и навыками учебного труда: Методические рекомендации для учащихся старших классов средней школы. - Магнитогорск, 1990. - 4.1 - 30 с. - 4.2. - 40 с.
109. Формирование младшего школьника как субъекта учебной деятельности. -Л.: ЛГПИ, 1990. - 145 с.
110. Формирование учебной деятельности школьников / Под ред. В.В. Давыдова и др. - М.: «Педагогика», 1982. - 216 с.
111. Фридман Л.М. Психопедагогика общего образования.- М.:ИПП, 1997.-288 с.
112. Фузаилов С, Худайберганава М. 3-синф учун «Она тили» дарслиги. қайта ишланган ва тўлдирилган 4-нашри. -Т.: «Укитувчи», 2001.-128 б.
113. Харламов И.Ф. Педагогика. - М.: «Юристь», 1997. - 512 с.
114. Ҳасанбоева О. «Одобнома» 1-синф учун дарслик.-Т., 2003.
115. Ҳасанбоева О. «Одобнома» 2-синф учун дарслик.-Т., 2003.
116. Ҳасанбоева О. «Одобнома» 3-синф учун дарслик.-Т., 2003.
117. Ҳасанбоева О. «Одобнома» 4-синф учун дарслик.-Т., 2003.
118. Қосимова К., Фузаилов С. ва Неъматова А. 2-синф учун «Она тили» дарслиги. 4-нашри.-Т.: «Ўкитувчи». 2001.-112 б.
119. Шодиев Д., Сафарова Р. Асосий параметрлар //Бошланғич таълим, 1995. - № 3-4. - Б. 3-4.
120. Эльконин Д.В. Избранные психологических труды.- М.: «Педагогика», 1989.-560 с.

121. Эльконин Д.В. Психология игры. 2-е изд.- М.: Гуманит. изд. Центр Владос, 1999.-360 с.

122. Эрдниев П.М. Укрепление дидактических единиц как технология обучения. - М.: «Просвещение», 1992. - 256 с.

123. Узбек тилининг изохли луғати. II жилд. Т.: «Узбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.- 672 б.

124. Ғозиев Э.Ф. Тараққиёт психологияси. -Т.: «Университет», 1999.-48 б.

МУНДАРИЖА

Мукаддима.....	3
1-БУЛИМ. Ўқув материалларини структуралаштиришнинг назарий асослари.....	9
2-БЎЛИМ. Бошланғич синф дарсликларидида концентризм принципи асосида такдим қилинадиган ўқув материалларини структуралашнинг дидактик хусусиятлари.....	37
Хулоса.....	60
Фойдаланилган адабиётлар.....	62

ҚЎЧҚАРОВА ФЕРУЗА МАХАММАТҚОСИМОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ДАРСЛИКЛАРИДА ЎҚУВ
МАТЕРИАЛЛАРИНИ КОНЦЕНТРИЗМ ПРИНЦИПИ
АСОСИДА СТРУКТУРАЛАШТИРИШ**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2010

Мухаррир: М.Миркомиялов
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Босишга рухсат этилди 23.06.2010 йил. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 9,0. Нашр босма табоғи 8,75.
Тиражи 500 Буюртма № 84.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**